

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

**5140600 - «География» таълим йўналиши
13.34-гуруҳ битирувчиси**

Ташланов Азизбек Тохиржон ўғли

**“Қува тумани аҳолисининг ҳудудий ташкил
этилишини такомиллаштириш муаммолари”
мавзусидаги**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: география кафедраси
ўқитувчиси, Ҳ.А.Абдувалиев**

Фарғона - 2017

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.	3
I-Боб. Аҳоли жойлашувини тадқиқ этишнинг назарий ва услубий асослари	6
I.1. Аҳоли ҳудудий жойлашуви ва зичлиги	6
I.2. Аҳоли жойлашувида табиий-географик омилларнинг роли. . . .	12
II-Боб. Фарғона вилояти аҳоли жойлашувининг ҳудудий тафовутлари.	22
II.1. Вилоят аҳолисининг демографик ҳолати ва географик жойлашуви.	22
II.2. Вилоят аҳоли жойлашувининг ландшафт тафовутлари	34
II.3. Туман аҳолисининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича асосий тавсиялар.	43
Хулоса.	50
Илова.	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	57

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. Аҳоли кўпгина ижтимоий ва табиий фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Жумладан, анатомия, инсон организмнинг тузилиши ва биологик хусусиятларини ўрганса, психология фани - инсон руҳиятини тадқиқ этади. Этнография алоҳида миллатларнинг урф-одатлари, қадриятларини, аҳоли географияси эса, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг таркиби, сони ва жойлашувидаги ҳудудий фарқларни ва бу фарқларни вужудга келтирувчи омилларни ўрганади. Шунингдек аҳолини ўрганувчи фанлар тизимида демография, социология, фалсафа, жамиятшунослик, тарих, статистика, экология, иқтисодиёт каби фанларни киритиш мумкинки. Буларнинг ҳаммаси биргаликда аҳолишунослик фанлари тизимини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши бош мақсад қилиб қўйилмоқди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса кейинги йилларда қишлоқ тараққиётига хусусан коммунал хўжалик ҳамда уй-жой таъминоти масалаларига катта эътибор қаратилаётгани бунинг яққол мисолидир.

Тарихан шаклланган ҳудудларда аҳоли яшайдиган масканлар таҳлил этилганда уларнинг аксарияти текислик ва пастекисликларга ёки баландлиги 400-500 метргача бўлган ҳудудларга тўғри келади. Шунингдек, аҳоли яшовчи масканларнинг аксарияти гидрологик зонага яъни дарё бўйларида яқиндир. Шу нуқтаи-назардан аҳолининг ҳудудий ташкил этилишини ўрганиш ва шу асосга асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли географиясини ривожланишида собиқ Совет даври ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу даврда аҳоли географиясининг ривожланишига Н.Н.Баранский, Р.М.Кабо, В.В.Покшишевский, О.А.Константинов, Ю.Г.Саушкин, С.А.Ковалевлар катта ҳисса қўшдилар. Бу соҳада ҳозирда ҳам салмоқли тадқиқотларни амалга ошираётган йирик олимлар жумласига Г.М.Лаппо, Б.С.Хорев, В.П.Максаковский, А.И. Алексеев ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда аҳолини турли жиҳатдан географик ўрганишда Ковалев С.А., Ташбеков Э., Валиева Р., Қорахонов М., Салимов Х., Асанов Г., Акромов З.М., Отамирзаев О., Солиев А.С., Аҳмедов Э., Қаюмов А., Бўриева М.Р. ва бошқаларни таъкидлаш лозим. Ўзбекистонинг демографик ривожланиши эса И.Р.Муллажоновнинг ишларида батафсил ёритилган.

БМИнинг мақсад ва вазифаси. Аҳоли сони жиҳатидан энг йирик бўлган Фарғона вилоятининг Қува туманида аҳоли жойлашувини таҳлил қилиш ва баҳолаш тадқиқотнинг мақсади сифатида белгиланган бўлса, туманнинг демографик кўрсаткичларидаги фарқларини ажратиш унинг вазифаси сифатида белгиланди.

БМИнинг объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Фарғона вилояти Қува тумани танланган. Унинг предмети эса туман аҳолиси жойлашувидаги ҳудудий фарқларни таҳлил этишдан иборатдир.

БМИнинг назарий услубий асослари. Бугунги кунда Фарғона вилояти республикамізда аҳолиси энг зич ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, минтақанинг айрим ҳудудларида зичлик янада юқори. Бу эса ўз навбатида антропоген босимнинг ортишига ҳамда иқтисодий-экологик муаммоларга сабаб бўлмоқда. Вилоятнинг қишлоқ хўжалик имкониятларининг юқорилиги ва аҳолининг аксариат қисми қишлоқ хўжалик тармоқларида банд эканлигини ҳисобга олсак, қишлоқ

аҳолисини асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер ресурслари билан таъминланганлик даражаси ҳам аҳолининг ортиши ҳисобига камайиб бормоқда. Шунингдек, вилоят аҳолисининг зичлиги баландлик минтақаланишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бу эса битта маъмурий туманнинг ўзида ҳам катта фарқларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ушбу битирув ишида Қува тумани аҳолисининг ҳудудий жойлашувини тадқиқ этиш ва уни меъёрлаштириш масаласига асосий эътибор қаратилди.

БМИнинг таркибий тузилиши. Иш таркибан кириш, икки боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 60 бет, 6 та жадвал, 3 та расм ва иловаларни ўз ичига қамраб олади.

I-БОБ. АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Аҳоли ҳудудий жойлашуви ва зичлиги

Дунё аҳолисининг ўсиш динамикасига назар ташласак, унинг ўсиш суръати борган сари тезлашаётганлигини кўриш мумкин. Одам пайдо бўлган пайтларда унинг ўсиш суръати паст бўлган. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, минг йилда аҳоли 2 фоизга кўпайган. Вақт ўтиши билан аҳолининг ўсиш суръатлари тезлашиб борган. Эрамизнинг бошларида ер шари аҳолиси 300 млн киши бўлан бўлса, 1650 йилга келганда бу рақам 2 баробарга кўпайган.

19-асрнинг ўрталарида ер шари аҳолиси 1 млрд кишига етди. Аҳолининг иккинчи млрд кишининг қўшилиши учун 80 йил, учинчи млрд кишининг қўшилиши учун 30 йил, тўртинчи млрд кишининг қўшилиши учун эса 15 йил кифоядир. Бу ҳолат дунё аҳолиси ўсиш суръатларини 1976 йилга қадар жуда юқори бўлганлигини кўрсатади. Бироқ ер юзасининг барча қисмларида бу кўрсаткичлар бир хил бўлмаган. Осиё ва Лотин Америкасида ўсиш даражаси ҳозирги кунга қадар юқори суръатларда сақланиб қолмоқда. Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида эса аҳолининг ўсиш суръатини анчагина пастлаб қолганини кузатиш мумкин.

Аҳолининг ўсиш суръатларини дунёнинг турли регионларида турлича бўлишига ҳар хил сабаблар таъсир кўрсатади. Улар орасида соғлиқни сақлаш тизими, қишлоқ хўжалигини ривожланиши, озиқ-овқат билан шуғулланувчи ташкилотларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга.

Дунё аҳолисининг маданий савиясини ортиб бориши билан ўз-ўзидан табиий кўпайиш жараёни ҳам пастлаб бормоқда.

Шундай қилиб, дунё аҳолисининг ўсиш динамикаси кўплаб ва хилма хил омиллар таъсирида бўлади.

Кейинги 20-30 йил ичидаги ўсиш эса, кўпроқ табиий ўсишдаги ҳудудий фарқлар билан боғлиқ. Ана шу даврга хос бўлган “демографик” таъсирини ҳам аниқ кўриш мумкин.

Хўш келажакда дунё аҳолисининг ўсиши қандай бўлади? Демограф олимлар фикрича, ҳозирги давр аҳолининг максимал ўсиш давридир. Ҳозирги кунда оилада туғилишни тартибга солиб туриладиган мамлакатларда сайёрамиз аҳолисининг 30 % яшамокда. Келажакда дунёнинг бошқа қисмларида ҳам аҳоли билим ва маданият даражасининг ошиб бориши билан туғилиш ҳам камая боради.

Профессор В.Ц.Урланис фикрича, тахминан 21-асрнинг бошларида бу жараён сайёрамизнинг барча аҳолисини қамраб олади. Олимнинг тахминича, 20-асрнинг қолган йилларида туғилишни тартибга солиш кенг ёйилган мамлакатларда Америка Япония аҳолисининг ўсиш суръати 0,9 % дан юқори бўлмайди.

Дунё аҳолисининг ўсиши ва бу ўсишнинг суръатлари юқорида айтилганидек давом эса, 21-аср ўрталарига борганда, дунё аҳолиси 8 млрд кишига, 21-аср охирларида эса 11-12 млрд кишига етади.

БМТ эксертлари ҳисобига кўра 2000 йилда дунё аҳолиси 6 млрд 280 млн киши, шу жумладан Осиё аҳолиси 3870 млн, Лотин Америкаси аҳолиси 595, ҳорижий евроа аҳолиси 570, Африка аҳолиси, 520, Аستراليا ва Океания аҳолиси 30 млн киши бўлади.

2008 йилга келиб ер юзаси аҳолиси 6678 млн кишига етган бўлса, 2012 йилда (октябрида) 7 млрд кишига етди. www.countrysimeters.ru интернет сайти маълумотларига кўра ер шари аҳолиси 7124 млн кишини ташкил этмокда.

Умуман дунё аҳолисининг ўсиш суръатлари келажакда асайиб боради. Бе тенденция ҳозироқ сезила бошлади, маолум бир даврга келиб эса, сайёрамиз аҳолисининг сони стаиллашади.

Аҳолининг ҳудудий жойланиши - ер юзининг кишилар томонидан ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлган жуда узоқ тарихий жараённинг натижасидир.

Ер шарининг турли қисмларида, турли мамлакатларда аҳолининг ҳудудий жойланиши ва зичлиги тарихий ижтимоий-иқтисодий ва табиий факторлар таъсирида вужудга келади.

Бу асосий фактор дунёнинг турли қисмларида ҳам ҳудудий ва ҳам вақт нуқтаи-назардан бир хил эмаслиги ва ҳеч қачон бундай бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум.

Ер шарининг аҳолининг ҳудудий жойланиши ва зичлигида бир қанча катта фарқлар бор, улар узоқ тарихий даврда ва хилма-хил факторлар таъсирида вужудга келади. Булардан энг асосийлари тарихий, табиий ва бошқа факторлардир.

Аҳоли зичлигига хўжаликнинг таъсири катта, албатта. Жумладан, буни юқоридаги қисқача обзордан кўриш мумкин. Аҳоли қанча зич бўлса, хўжалик шунча тараққий этган деган хато фикрни олға сурган эдилар.

Бу фикр бутунлай нотўғри эканлигини шундан билса ҳам бўладики, энг ривожланган АҚШда аҳоли ривожланаётган кўпгина қолоқ мамлакатлардагидан кўра сийрак.

Шундай қилиб, олимларнинг аҳоли зичлигининг ортиб бориши, жамият тараққиётига хал қилувчи таъсир кўрсатади деган фикрлари бутунлай асоссиздир.

Аксинча аҳолининг такрор баро қилиниши аҳоли сонининг кўпайиб боришини ижтимоий тараққиётнинг муҳим шарт-шароити деб

ҳисоблайди. Аҳоли сонининг кўпая бориши ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни тараққиё еттириш учун муҳим аҳамиятга ега. Аҳоли сони ҳаддан ташқари кам бўлганда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тараққиёти сусайиши районларда ва давлатларнинг ривожланишига салбий таъсир кетиши мумкин.

Минтақавий иқтисодиёт фанининг асосчиларидан бири У.Айзард фикрича, у ёки бу ҳудуднинг хўжалиги мураккаб жумбоқ бўлиб, уни ечишни айнан аҳоли бўғинидан бошламоқ керак. Дарҳақиқат, аҳоли мураккаб ижтимоий-иқтисодий категориядир, у билан ишлаб чиқариш “бошдан оёқ”, чамбарчас боғлиқ. Чунки, меҳнат ресурсларисиз ишлаб чиқариш бўлмайди, ишлаб чиқариш эса аҳоли учун керак; моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси ҳам, уларни истеъмолчиси ҳам айнан ана шу аҳоли, яъни кишиларнинг маълум ҳудуддаги бирлигидир. Аҳоли салмоғига кўра Самарқанд вилояти биринчи, Фарғона-иккинчи ва Тошкент вилояти учинчи ўринда туради. Демографик салоҳиятнинг энг паст миқдори Навоий ва Сирдарё вилоятларидадир.

Республика ҳудудининг табиий шароити, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларининг турли-туманлиги аҳоли жойлашувига ҳам таъсир қилади. Мамлакат бўйича аҳоли жойлашувининг ўртача зичлиги 1 км² га 63 кишидан иборат бўлган ҳолда у Навоий вилоятидаги 7,5 кишидан Андижон вилоятидаги 580 кишигача фарқ қилади. Фарғона вилоятида эса бу кўрсаткич бугунги кунда 500,9 кишини ташкил этмоқда.

Тарихан аҳоли мамлакатимизнинг суғориладиган воҳа ва водийларида зич жойлашган. Чунончи, бу кўрсаткич Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятларида ҳам анча юқори. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий вилояти Ўзбекистон ҳудудининг 61,9 фоизини ташкил қилса-да, бу ерда мамлакат аҳолисининг атиги 10 фоизга яқин қисми

яшайди. Шу боис, айнан ана шу икки маъмурий бирлик Республика аҳолиси жойлашувининг ўртача кўрсаткичига жиддий таъсир этади.

Бухоро ва Жиззах вилоятларида ҳам аҳоли зичлиги унча юқори эмас. Сурхондарё ва Қашқадарёда эса у ўртача кўрсаткичдан бирмунча юқори. Бироқ, шунга қарамасдан, ҳатто бу ҳудудларнинг ҳам ички, қадимдан суғориладиган районларида (масалан, Вобкент, Шофиркон, Гиждувон, Шаҳрисабз, Қарши, Яккабоғ туманларида) аҳоли анча зич жойлашган. Умуман олганда, Республика аҳоли жойлашуви кўп жиҳатдан гидрографик шаҳобчалар-суғориладиган дарё ва ирригация иншоотлари билан белгиланади. Шу билан бирга йирик шаҳарлар, айниқса Тошкент агломерацияси доирасидаги қишлоқ туманларида ҳам аҳоли жойлашуви жуда зич (1 км² га 600-700 кишини ташкил этади).

2009 йил маълумотларига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 36 фоиз аҳолиси шаҳар жойларига тўғри келади (2009 йил 68-сонли ПҚ га кўра эса, мамлакат аҳолисининг 51,7 фоизи шаҳарларда яшайди). Шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати айниқса 70-80-йилларда юқори бўлган. Бунга сабаб 1972 йилда аҳоли манзилгоҳларининг шаҳар мақомига ўтказиш учун талаб этиладиган энг кам аҳоли миқдорини 10 мингдан 7 минггача туширилиши ва бунинг оқибатида шаҳарлар сонининг ниҳоятда тез кўпайишидир (агар 1970 йилда Республикада 42 шаҳар мавжуд бўлган бўлса, 1979 йилда уларнинг сони 90 тага етган).

1989-2002 йилларда шаҳарликлар сонининг ўсиши анча сусайган. Натижада умумий урбанизация кўрсаткичи 40,7 фоиздан 37,1 фоизга тушиб қолган. Вилоятлар даражасида мазкур жараён айниқса Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразмда сезиларли бўлган ва у фақат Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Наманган вилоятларида бирмунча кўтарилган. Ҳозирги кунда шаҳар жойларда яшовчиларнинг нисбий миқдори бўйича Қорақалпоғистон ҳамда Тошкент ва Навоий

вилоятлари олдинда туради, унинг энг паст даражаси эса Сурхондарё вилоятида кузатилади.

Урбанизация жараёни ва унинг якуний кўрсаткичи одатда ҳудудлар иқтисодиётининг ихтисослашуви, шаҳар ҳосил қилувчи омилларининг мавжудлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Қорақалпоғистон ва қисман Навоий вилоятида бу кўрсаткичнинг юқорилиги мазкур ҳудудлар саноат салоҳиятидан эмас, балки бу жойларда интенсив қишлоқ хўжалигини ривожлантириш шароитларининг чекланганлигидан дарак беради. Фақат пойтахт-Тошкент вилоятида у ҳақиқий реал воқеликни акс эттиради, чунки бу ерда, бошқа вилоятларга қараганда, саноат тармоқлари нисбатан яхшироқ ривожланган.

Минтақавий иқтисодиёт ва унинг таркибий тузилишини шаҳарлар тўри ва тизими ҳам яққол ифодалаб беради. Аксарият ҳолларда шаҳарлар сонининг кўплиги, йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг мавжудлиги ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг юқорилигини кўрсатади. 2008 йил маълумотларига кўра, Республикада 120 шаҳар ва 114 шаҳарча мавжуд. Шаҳарлар сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси (12), Қашқадарё (12) ва Тошкент (16) вилоятлари ажралиб туради. Айни вақтда уларнинг тўри Жиззах, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида яхши ривожланмаган.

Миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг асосан қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатига ихтисослашганлиги сабабли бу ерда кичик шаҳарлар тўри жуда кенг тарқалган. Жумладан, Республикада кичик шаҳарлар (аҳолиси 20 минг кишигача) 148 та ёки жами шаҳар манзилгоҳларининг деярли 2/3 қисмини ташкил қилади. Аммо уларда мамлакат шаҳар аҳолисининг атиги 15,1 фоизи яшайди, холос. Шунингдек, ярим “ўрта” шаҳарлар ҳам сон жиҳатидан кўп, бевосита

ўрта миқёсдаги шаҳарлар эса сон жиҳатидан анча оз; уларнинг сони 16, демографик салоҳияти эса-10,6 фоиз. Айнан ана шу бўғиндаги шаҳарлар сонининг камлиги Республикада урбанизация жараёнининг мукаммал шаклда ривожланмаганлигидан дарак беради. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 17 та катта шаҳар мавжуд бўлиб, уларга жами шаҳар аҳолисининг 57,8 фоизи тўғри келади. Аҳоли сонига кўра Тошкентдан кейинги ўринларда Наманган, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Нукус, Қарши шаҳарлари туради. Шунингдек, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Қўқон, Марғилон шаҳарларининг ҳам ҳар бирида 100 мингдан зиёд аҳоли бор. Айни вақтда Сирдарё вилоятининг маъмурий маркази—Гулистонда атиги 63 минг киши яшайди.

Шу билан бирга йирик марказлар негизида шаҳарлар ҳудудий тизимининг мураккаб шакллари ҳам вужудга келган. Чунончи, Тошкент, Самарқанд, Фарғона—Марғилон агломерациялари шулар жумласидандир.

Бой тарихга эга бўлган, ишлаб чиқаришнинг анъанавий, “осиёча” ёки шарқона усули қишлоқ хўжалигининг суғорма деҳқончилиги ва у билан боғлиқ шаҳарлар тўрига асосланади. Бинобарин, шарқ тарихи ва шарқ маданиятини деҳқончилик ҳамда қишлоқ ва шаҳарларнинг ажралмас бирлиги, урбанизациянинг ўзига хос йўналишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ҳам Республикамиз иқтисодиёти ва демографик салоҳияти кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ аҳолисидан ташкил топади.

1.2. Аҳоли жойлашувида табиий-географик омилларнинг роли

Қадим замонлардан бошлаб олимлар турли мамлакатларнинг табиати ва хўжалигини ўрганиб, тасвирлаш билан бирга уларнинг аҳолисини тавсифлашга ҳам катта эътибор берганлар.

Аҳолини ўрганиш бўйича табақаланиш, яъни демография ҳамда этнографиянинг вужудга келиши XVIII асрнинг бошларига келиб рўй берди. XIX асрнинг охирларида эса антропогеография (Германияда, Ф.Ратцель) шаклланди. Унинг негизида географик детерминизм, яъни «инсон ва халқларнинг руҳи ва жисмига» табиий муҳитнинг ҳал қилувчи таъсир этиш ғояси ётган.

XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларига келиб, Францияда инсон географияси шаклланди. Унинг йирик номоёндалари (П.Видаль де ла Блаш, Ж.Брюн) асосий эътиборни табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири масалаларига қаратдилар. Мазкур йўналишнинг вакиллари антропогеографиядан фарқли ўлароқ, аҳолининг географик ривожланиши хусусиятларининг сабабларни нафақат табиий, балки, иқтисодий, ижтимоий, тарихий ва руҳий омиллар билан ҳам тушунтирадилар.

Ҳозирда, аҳоли географияси турлича йўналишлар (геодемография, шаҳарлар географияси, миграция географияси, аҳоли географиясида математик моделлаштириш) бўйича ривожланган мамлакатларнинг университетларида ўқитилади.

Аҳоли географияси тадқиқ этилган кўплаб асарлар рус тилида ҳам чоп этилди. Улар жумласига Д.Форрестер ва бошқаларнинг “География городов”, “Динамика развития города”, Дж. Гарнер, Д.Харвей, Я.Гамильтон, П.Хаггетларнинг “Модели в географии”, Ж.Боже –Гарнье ва Ж.Шаболарнинг “Очерки по географии городов” каби асарларни киритиш мумкин.

Аҳолини географик ўрганишда миграциянинг роли катта. Миграция, яъни аҳолининг кўчиши ташқи ва ички миграцияга ажратилади. Келганлар ва кетганларнинг ўзаро нисбати миграция

қолдиғи деб аталиб, мусбат (келганлар сони кўп) ёки манфий (кетганлар кўп) кўрсаткичларга эга.

Ҳозирги даврда дунё миқёсида рўй бераётган миграция жараёнлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси сонининг тез ўсиши, ишчи кучининг ортиқчалиги, уларнинг бир қисми ривожланган мамлакатларнинг меҳнат бозорига кўчишига таъсир кўрсатади. Ички миграциянинг асосий хусусияти аҳолининг «қишлоқ- шаҳар» йўналишида ҳаракатланишида кўпроқ кўзга ташланади.

Аҳолини географик ўрганишнинг муҳим масалаларидан бири, унинг такрор барпо бўлишидир. Аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёни ёки бошқача қилиб айтганда, табиий ҳаракати – бу одамларнинг такрор тикланиб туриши, уларнинг авлодларини алмашилиб туришини таъминловчи туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш жараёнларининг йиғиндисидан иборат.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнлари дунёнинг турли регионлари, мамлакатларида турлича бўлиб, унга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади.

- ижтимоий-иқтисодий (аҳолининг фаровонлик даражаси;
- маълумотлилик даражаси; соғлиқни сақлаш тизимини ривожланганлиги; жамиятда аёлларнинг тутган ўрни; регионнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ва ҳ.к.);
- табиий-биологик омиллар (инсон организмнинг табиий муҳитга турлича мослашувчанлиги; аёлларнинг репродуктив даврини турлича бўлишига иқлимнинг таъсири; турли касалликлар ва уларнинг аҳоли ўлимига таъсири);

– демографик (аҳолининг жинс ва ёш таркиби, никоҳ ва ажралиш).

Турли тарихий даврларда аҳолининг сони тахлилларига назар ташласак, унда аҳолининг жуда секинлик билан ўсганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ, XIX асрнинг охириги чорагидан сўнг аҳолининг кескин ўсиши кузатилган. XX асрнинг иккинчи ярмидан эса ўсиш суръати янада жадаллашди. Маълумотларга кўра ишлов бериладиган ерлар инсон яшаши учун ўта қулай ҳудуд сифатида қаралади. Бундай ҳудудларда жами аҳолининг 70 фоизи истиқомат қилмоқда. Унинг устига дунёнинг урбанистик салоҳияти 50 % бўлгани ҳолда уларда яшовчи 3,3 млрд аҳоли қуриқлик юзасининг 1 % ида яшамокда. Шунингдек, дарё водийларида ва қуриқликнинг 200 м гача бўлган ҳудудларида зичлик ўта юқорилаб кетган (айрим ҳудудларда 1 кв м га 2000 киши). Юқоридагилардан кўриниб турибдики, инсоннинг ресурсларга бўлган талаби ошиб бормокда ва бу ҳолат аҳолининг ўсиб бориши ва ишлов берилаган ерларга тўғри пропорционалдир.

Аҳолининг зичлашуви ва табиий ресурсларнинг етишмаслиги дастлаб Европа ҳудудларида яққол сезила бошланди. Айнан Германияда XIX аср бошлариданок унинг келажакдаги таназзули башорат қилинди. Ўша даврларданок Германияда аҳоли яшашида табиий ҳудуднинг ўта муҳимлиги ва уни режали асосда ташкил этиш масалалари кенг ёритила бошланди. 1960-1970 йиллардан бошлаб Европа давлатларида аҳолининг иқтисодий-экологик муаммолари бевосита ландшафтларнинг ўзгариши ва бузилган ландшафтларнинг ортиб бориши билан изоҳлана бошланди. Фан соҳасида эса “ландшафт” (Landschaft), “ландшафтларнинг боқа олиш қобиляти”, “ландшафтли районлаштириш” тушунчалари ҳамда “ерларни яхшилаш” (Landesverbesserung, landesverschönerung), “ландшафтларни боқиш, қараш” (Landschaftspflege), “ландшафтни ташкил

килиш” (Landshaftsgestaltung) каби илмий терминлар пайдо бўлиши бунга яққол мисолдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хусусан Фарғона вилоятида аҳолининг зичлиги тобора ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида хўжаликнинг ортишига ва табиий-аграр имконият (ТАИ) нинг (Ю.Аҳмадалиев, 2007) пасайишига олиб келмоқда. Вилоятнинг табиий картасига назар ташласак, аҳоли зич яшайдиган ҳудудлар денгиз сатҳидан 400-600 м баландликка эга бўлган ҳудудларга тўғри келади. Шунингдек, ушбу ҳудудлардаги аҳоли зичлигининг энг юқори кўрсаткичлари Сўх, Исфара, Марғилонсой, Исфайрамсой конус ёйилмаларидан ҳосил бўлган қия текисликлардан иборат. Вилоят аҳолисининг ўртача зичлиги 1 км кв майдонга 455 киши бўлгани ҳолда бу кўрсаткич Сўх–Исфара конус ёйилмаларидан ҳосил бўлган қия текисликларда жойлашган Учкўприк, Боғдод, Бувайда ва Риштон туманларида ўртача 590 кишига етади.

Бироқ вилоятнинг 400 м гача бўлган ҳудудлари ва 600-700 м дан юқори ҳудудларида аҳоли зичлиги 400-600 м баландликка эга бўлган ҳудудларга нисбатан пастлиги кузатилади. Бунинг асосий сабаби 400-600 м баландликка эга бўлган вилоят ҳудудида суғориш имкониятнинг 400 м гача ва 600 м дан юқори ҳудудларга нисбатан юқорилигидадир. Айнан 400-600 м баландликдан иборат ҳудудда Катта Фарғона канали шарқий Шохимардонсой ва Фарғона шаҳри атрофи ҳудуди ва ғарбий Сўх сойи ва Қўқон шаҳар атрофи ҳудудларини бирлаштирувчи ўзига хос ареал вазифасини бажаради. Бу ўринда агломерация омилини ҳам ҳисобга олиш лозим, яъни Қўқон ва Фарғона шаҳар атрофи ҳудудларида аҳолининг вилоятнинг бошқа ҳудудларига нисбатан зич жойлашган. Юқоридаги масалаларни кенгроқ таҳлил этиш тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Вилоят аҳолиси зичлиги ва жойлашуви тадқиқот объекти сифатида танланган бўлса, аҳолининг баландлик минтақаланиши, гидрологик шароитларга қараб таҳлил этиш йўллари аниқлаш ва ўрганиш тадқиқот ишининг предмети белгилайди.

Тадқиқотга бирламчи маълумотлар сифатида аҳоли жойлашуви ва зичлиги бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, илмий ғоя ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мавзуга оид асарлари, Олий мажлисда қабул қилинган қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг шу соҳадаги тадқиқот ишлари бирламчи маълумотлар сифатида хизмат қилади.

Фарғона вилоятида ерлардан фойдаланишда юзага келадиган геоэкологик муаммоларни бартараф этишда ландшафтли ёндашувни зарурлиги тадқиқотчилар томонидан олиб борилган (Ю.Аҳмадалиев, Д.Мўминов, 2010). Тадқиқотда қишлоқ жойлардаги геоэкологик ҳолатни ўзгаришига ташхиз қўйиш, башоратлаш ва салбий томонга бўладиган ўзгаришларни олдини олиш асосий мақсад қилиб олинган ҳамда иқтисодий антропоген таъсир миқдорини ўрганиш билан бирга унинг ҳар бир ландшафт турига таъсири алоҳида ўрганилган. Шунингдек, Л.Алибеков (1982) томонидан ривожлантирилган “геожуфтлик” назариясини геоэкологик шароитни ўзгаришидаги аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни геоморфологик жиҳатидан юқорида жойлашган ландшафт турларидан, қуйида жойлашган ландшафтларга ва аксинча ҳолатларда юз берадиган “модда ва энергия” алмашинуви унинг натижасида юз берадиган ўзгаришлар тадқиқот диққат марказига олинган.

Ю.Аҳмадалиев ва Д.Мўминовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда Фарғона вилоят ҳудуди тўртта баландлик минтақасига

ажратилган ва мос келувчи туманлар кесимида тахлил этилган. Бироқ, вилоят табиий картасига назар ташласак унда аҳоли зич яшайдиган ҳудуд икки катта қисмга Сўх сойи ва Кўқон шаҳар атрофи ҳамда Шохимардонсой ва Фарғона шаҳри атрофи ҳудудига ва бу ҳудудларни бирлаштирувчи Катта Фарғона канали ҳавзаси билан боғланган ареал-ҳудудга тўғри келади. Бу икки минтақа баландлик минтақаланиши жиҳатидан етарлича фарқланишга эга.

Шунинг учун вилоят аҳолисининг жойлашувини тадқиқ этишда гидрологик омилнинг устунлиги ва ерни суғориш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ажратиладиган икки минтақа ва улар ўртасида боғланган ҳудуд аҳолиси алоҳида бирлик сифатида олинади. Вилоятнинг шимолий (Олтиариқ, Ёзёвон, Тошлоқ туманлари шимолий қисми) ҳудудлари иккинчи минтақа сифатида, жанубий (Ўзбекистон, Фарғона туманлари жануби ва Сўх туманлари ҳудуди) ҳудудлар учинчи минтақа сифатида ажратиб олинади. Бу ўринда Ю.Аҳмадалиевнинг табиий қишлоқ хўжалиги районлари, О.Абдуғаниевнинг ландшафт турларини ажратиш тамойиллари, Д.Мўминовнинг баландлик минтақаланиши бўйича аҳоли жойлашуви бўйича олиб борилган тадқиқотлари натижаларига ҳам катта эътибор қаратиш талаб этилади.

Фарғона вилоятини геоэкологик, ландшафт таснифи ва баландлик минтақалари бўйича олиб борилган Ю.Аҳмадалиев, О.Абдуғаниев ва Д.Мўминовларнинг тадқиқотларидан фойдаланган ҳолда вилоят ҳудудини баландлик минтақаланиши, ландшафт турларига мос ҳолдаги ареаллар (майдон) усулидан фойдаланиб районлаштириш ўтказиш амалга оширилади.

Иқтисодий ислохатлар чуқурлашган шароитда ерлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни ташкил этиш бугунги куннинг ўта долзарб масалаларидан биридир. Европа давлатлари тажрибасида синалган ва

ердан фойдаланишда ландшафтлар гуруҳининг аҳамияти муҳимлиги қайта-қайта таъкидланган бир шароитда республика ҳудудида хусусан аҳоли зич яшовчи Фарғона водийси ҳудудларида мукаммал амалий ландшафт тадқиқотлари ўтказиш муҳим вазифадир. Зеро, ландшафтларни тўғри тақсимлаш ва уларга мос ҳолда таъсир этиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш ва геоэкологик вазиятни оптималлаштиришга эришиш мумкин. Бу ўринда ландшафтларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ўта муҳимлигига урғу бериб, Тбилиси давлат университети профессори Н.К.Элизбарашвили фикрларини келтирмоқчимиз: – “Грузия иқтисодиёти юқори даражадаги давлат эмас аммо, унинг ландшафтларига тўғри таъсир этиш орқали уни дунёнинг энг йирик саноатлашган минтақасига айлантириш мумкиндир”.

Республикамиз ҳукумати инсонни энг бебаҳо мавжудот сифатида улуғлаш ва эъзозлаш билангина чекланиб қолмасдан, бу буюк ғояни бозор муносабатларига ўтиш даври шарт-шароитларида, қонун-қоидалар, ҳаракат дастури ва уни рўёбга чиқариш усулларида ҳам тўла акс эттира олди.

Аҳоли бу ишлаб чиқарувчи, истеъмол қилувчи ҳамдир. Шунингдек аҳоли ялпи иқтисодий салоҳиятини белгилаб берувчи муҳим омиллар сирасига киради. Республикамиз аҳолиси ва меҳнат ресурслари жиҳатидан ноёб минтақалар жумласига киради. Демографик, яъни аҳоли ўсишининг ўзига хослиги мамлакатнинг регионал хусусияти бўлиб, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тез суръатларда ўсаётганлиги билан тавсифланади.

Фарғона вилояти Ўзбекистоннинг қадимий маданият ўчоқларидан бири. Вилоят ҳудудидан топилган тош даври манзилгоҳлари ва қоятошларга солинган чизмалар, тош қуроллар водийда одамлар энг

кадимги даврлардан бери яшаб келганлигидан дарак беради. Вилоятнинг археологик ёдгорликларини ўрганишда Катта Фарғона каналини қурилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Канални қозиш жараёнида жез даври, қулдорлик ва заминдорлик жамиятларига оид ёдгорликлар топилди ва текширилди. Қува шаҳридаги милоддан аввалги V аср ва ўрта аср бошларига оид топилмалар яхши текширилган. X-XI асрларга доир манбаларда бу шаҳар ободлиги ва катталиги жиҳатидан водийда Ахсикатдан сўнг энг йирик шаҳар деб қайд қилинган. Археологик материаллар Марғилон шаҳри асрларда катта қишлоқ бўлиб, XI-XII асрларда шаҳарга айланганлигини, Риштон эса X асрда катта шаҳар бўлса ҳам, XI-XII асрларда қишлоқ қиёфасига кириб қолганлигини исботлайди.

Ўтроқ деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган Чуст маданиятига оид манзилгоҳлардан топилган ёдгорликлар Фарғона водийсини ўрганишда муҳимдир. Археологик текширишлар натижаси Фарғона вилоятида қадимдан одамлар яшаб, овчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланганлигидан, кишилиқ жамиятининг кейинги босқичларида эса маданият ривожлана бошлаганлигидан далолат беради. Вилоят табиий ресурсларга бойлиги қадимдан кишиларни ўзига жалб қилиб келар эди. Бироқ, иккинчи жаҳон урушига қадар вилоят худудида яшаш шароитининг оғирлиги, медицинанинг сустривожланганлиги сабабли табиий ўсиш камайди. Туғилган чақалоқларни касалини даволовчи медицина ожиз эди, турли эпидемия касалликлари (қизамиқ, сувчечак, безгак) туфайли, айниқса ёшлар ўртасида ўлим кўп эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўрта Осиёнинг бошқа худудлари каби Фарғона вилоятида ҳам медицина раванқ топди. Турли эпидемик касалликларни олди олинди, халқ турмуш тарзи яхшиланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, янги иқтисодий шароитни шаклланиши, яъни халқ хўжалигининг барча соҳаларида бозор муносабатларининг ўлканинг ижтимоий – иқтисодий шароитларнинг маълум даражада ўзгаришига сабаб бўлди. Республика мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида аҳоли турмуш тарзида баъзи иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Давлат томонидан аҳоли ижтимоий муҳофаза этилсада, ўлкада ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, айниқса ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситалар ва улар тўғрисидаги тушунчаларни халқ орасида кенг ёйилиши, аҳоли табиий кўпайишига таъсир этди.

II-БОБ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИНИНГ ХУДУДИЙ ТАФОВУТЛАРИ

2.1. Вилоят аҳолисининг демографик ҳолати ва географик жойлашуви

Фарғона вилояти республикамызда 1938 йилда ташкил топган 5 та вилоятлардан бири ҳисобланади. Унинг майдони 6,76 минг кв км бўлиб, бу борада Сирдарё, Андижон ва Хоразм вилоятларидан олдинда туради. Ўзбекистон Республикаси майдонига нисбатан эса Фарғонанинг ҳудуди атиги 1,5 фоизга тенг, холос. Ваҳоланки, бу ерда, 1.01.2014 йил маълумотларига кўра, 3386,1 минг ёки мамлакат аҳолисининг яқин 11,1 фоизи яшайди. Ўзининг демографик салоҳияти бўйича у мамлакатимизда Самарқанд вилоятидан кейинги 2 ўринда туради.

Маъмурий тузилишига кўра 4 та вилоятга бўйсинувчи шаҳар, 15 та қишлоқ туманлари мавжуд (1-жадвал). Шунчалик қишлоқ туманлари яна фақат Тошкент вилоятида ташкил этилган, холос. Юқорида келтирилган рақам ва ва ҳолатлар шундан далолат берадики, Фарғона вилоятининг демографик “юки” оғир, аҳолиси зич, ҳудуди юқори даражада ўзлаштирилган, бошқарув тизими мураккаб. Вилоят даражасида энг аввало тузилган қишлоқ туманлари Олтиариқ, Бешариқ ва Учкўприк саналади. Улар 1926 йилда ташкил этилган. Нисбатан “янги роғи” эса Фуқат тумани, у 1992 йилда ушбу мақомни олган.

Асосий шаҳарлари, хусусан Қўқон ва Марғилон ҳам 2000 йиллик тарихга эга. Вилоят маркази 1877 йилда Фарғона водийси Россия томонидан босиб олингандан сўнг Янги Марғилон, кейинчалик Скобелев номи билан барпо этилган. Вилоятнинг маъмурий - сиёсий жиҳатдан “зичлиги” унинг қишлоқ туманларини унча катта эмаслиги ва бир-биридан бу борада катта фарқ қилмаслигига сабаб бўлади. Чиндан ҳам,

минтақанинг ҳар бир қишлоқ туманига ўртача 0,45 минг кв км майдон тўғри келади. Бу республиканинг айрим ҳудудлари, жумладан чўл ва тоғли минтақаларига қараганда жуда кичик рақам ҳисобланади.

1-жадвал

**Фарғона вилояти бўйича маъмурий-ҳудудий бирликлар сони
тўғрисида маълумот (2016 йил 1 январ ҳолатига кўра)**

№	Маъмурий-ҳудудий бирликлар номи	Ер майдони \минг кв.км\	Шаҳарлар	Туманлар	Шаҳарчалар	Қишлоқ Фуқаролар йиғинлари	Қишлоқ аҳоли пунктлари	Маҳаллалар жами
	Вилоят буйича жами:	6,759	9	15	197	161	1021	868
	Шаҳарлар:							
1	Фарғона	0,1003	1	-	-	-	-	70
2	Марғилон	0,041	1	-	1	-	-	54
3	Қувасой	0,264	1	-	1	6	30	23
4	Қўқон	0,037	1	-	1	-	-	65
	Туманлар:							
5	Боғдод	0,333	-	1	21	10	59	46
6	Бешариқ	0,774	1	1	10	9	96	55
7	Бувайда	0,279	-	1	10	11	88	44
8	Дангара	0,435	-	1	9	8	120	41
9	Ёзёвон	0,407	-	1	9	10	28	22
10	Олтиариқ	0,631	1	1	14	15	18	55
11	Қўштепа	0,368	-	1	14	15	62	33
12	Риштон	0,307	1	1	13	11	41	64
13	Сўх	0,221	-	1	7	4	12	23
14	Тошлоқ	0,243	-	1	10	10	88	40
15	Учкўприк	0,275	-	1	11	9	120	39
16	Фарғона	0,6117	-	1	21	16	28	56
17	Фурқат	0,305	-	1	8	6	58	29
18	Ўзбекистон	0,689	1	1	22	10	97	55
19	Қува	0,438	1	1	15	11	76	54

Вилоятнинг энг катта тумани-Бешариқ 0,774 минг кв км майдонни эгалласа, Тошлоқ туманида 0,243 минг кв км майдон бор; фарқ 3,2 мартага тенг. Ҳудуди бирмунча каттароқ қишлоқ туманлари вилоятнинг

тоғ олди, адир ёки “чўлроқ” қисмларида жойлашган.

Масалан, Ўзбекистон ёки Бешариқ туманлари шулар жумласидандир. Типик тоғли туман-Сўх майдони бўйича унча йирик эмас, у Риштон туманидан ажралиб чиққан. Анча қумликларга эга бўлган Фурқат тумани эса бир вақтлар Бешариқ тумани таркибида бўлган.

Фарғона вилояти республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўринни эгаллайди. У малакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 7,5 фозини, саноат ишлаб чиқаришини 8,9 %, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 8,4 % таъминлайди; инвестициялар ҳажми 5,3 ва капитал қурилишлар 4,5 %. Вилоятга Ўзбекистон экспортининг 4,3 ва импортнинг 5,3 фоизи тўғри келади. Кўриниб турибдики, Фарғона вилояти баъзи соҳаларда кўзга кўринарли нисбий кўрсаткичларга эга бўлсада, бу рақамлар кўп ҳолларда унинг мавжуд демографик сиғимидан паст. Демак, бу ерда ҳам ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтариш масаласи долзарбдир.

Фарғона вилоятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унинг ҳудуди географик жиҳатдан яхлит эмас; Фарғона туманининг бир қисми (Шоҳимардон) ва Сўх тумани тамомила Қирғизистон ҳудудининг ичида, эксклав ҳолатда жойлашган. Бундай геосиёсий вазият хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, сув ва ер заҳираларидан фойдаланиш ва, умуман, ҳудудни бошқариш тизимида баъзи қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу геосиёсий ҳолат айниқса ҳозирги даврда, маълум қийинчиликларга олиб келади.

Фарғона вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони минг кв. км	Аҳолиси, минг киши		Ўсиш, %	Зичлиги 1 кв. км/киши
					1989 йил	2016 йил		
1	Бешариқ	29.09.1926	Бешариқ ш	0,77	140,9	212,0	150,5	275,3
2	Боғдод	31.12.1964	Боғдод ш-ча	0,33	108,0	198,2	183,5	600,6
3	Бувайда	26.12.1973	Янгиқўрғон ш-ча	0,28	111,2	210,6	189,4	752,1
4	Данғара	07.12.1970	Данғара ш-ча	0,43	87,3	160,9	184,3	374,2
5	Ёзйовон	27.12.1980	Ёзйовон ш-ча	0,41	45,9	102,2	222,7	249,3
6	Олтиариқ	29.09.1926	Олтиариқ ш-ча	0,63	97,3	197,7	203,2	313,8
7	Риштон	09.01.1967	Риштон ш	0,31	119,4	187,4	157,0	604,5
8	Сўх	27.02.1990	Равон ш-ча	0,31	-	72,0		232,3
9	Тошлоқ	12.04.1973	Тошлоқ ш-ча	0,24	88,4	186,6	211,1	777,5
10	Учкўприк	29.09.1926	Учкўприк ш-ча	0,28	113,9	210,7	185,0	752,5
11	Фарғона	22.02.1964	Водил ш-ча	0,62	154,2	199,1	129,1	321,1
12	Фуркат	09.04.1992	Навбаҳор ш-ча	0,31	-	109,9		354,5
13	Ўзбекистон	17.04.1963	Яйпан ш	0,69	142,6	221,5	155,3	321,0
14	Қува	10.02.1939	Қува ш	0,44	105,0	240,1	228,7	545,7
15	Қўштепа	16.04.1952	Лангар ш-ча	0,37	111,5	175,9	157,8	475,4
Вилоят		15.01.1938	Фарғона ш	6,76	1425,6	3 505,3	3 505,3	518,5

Жадвал Фарғона вилояти статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилди.

Ер усти тузилиши унча мураккаб эмас, у жанубдан шимолга томон пасайиб боради. Шимолда мутлақ баландлик денгиз сатҳидан 360-380 м, жанубда энг баланд нуқталар 2200 м дан ортади (Туркистон тизмасининг шимолий қисми, Сўх тумани ҳудудида Сариқамиш давони). Рельеф шаклининг бундай тузилиши вилоят жанубий қисмини тоғлардан оқиб чиқадиган сойлар суви билан суғориш учун табиий қулайлик яратади.

2-жадвал асосида Фарғона вилояти маъмурий туманлари аҳолиси зичлигини тахлил этиб, уни зичлиги паст, зичлиги ўртача ва зичлиги юқори маъмурий туманларни ажратиш мумкин. Унга кўра вилоятнинг Бешариқ (275,3), Данғара (374,2), Ёзьявон (249,3), Олтиариқ (313,8), Сўх (232,3), Фарғона (321,1), Фурқат (354,5) ва Ўзбекистон (321,0) туманларида аҳоли зичлиги умумий кўрсаткичга нисбатан паст эканлигини кўрамиз.

Вилоятнинг фақатгина Қува ва Қўштепа туманларида умумий кўрсакичга нисбатан аҳоли зичлиги ўртача бирликни ҳосил қилади. Уларда мос равишда зичлик 545,7 ва 475,4 киши.

Вилоятдаги 5 та туманнинг аҳоли зичлиги энг юқори кўрсаткичлар билан характерланади. Улар Боғдод 600,6, Бувайда 752,1, Риштон 604,2, Тошлоқ 777,5, Учкўприк 752,5 кишини ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики улардаги зичлик ҳолати вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан анча юқоридир. Солиштирадиган бўлсак Бувайда, Тошлоқ, Учкўприк туманларининг аҳоли зичлиги Бешариқ, Данғара, Ёзьявон, Олтиариқ, Сўх, Фарғона ва Ўзбекистон туманларига нисбатан қарийб икки баробар юқоридир.

“Табиат–аҳоли–хўжалик” учлик тизимида аҳоли марказий ўринда туради. У табиатга таъсир қилади, ундан олади, фойдаланади, хўжалигини ташкил этади ва ўз ҳаётини кечиради. Табиат, аҳоли ва

хўжаликнинг ўзаро муносабати умумгеографик ва, айтилишича, вақтда, геоэкологик вазиятни юзага келтиради. Шу сабабдан ҳам бу “учлик” география фанида олиб борилаётган тадқиқотларда муҳим методологик аҳамият касб этади.

Фарғона водийси, жумладан Фарғона вилоятида табиат, аҳоли ва хўжалиги пирамида шаклида тасвирланса, табиати “юпқа” ва нозик, демографик юки катта, хўжалиги ўртача кўринишга эга бўлади¹. Аҳоли ва хўжаликнинг биргаликдаги таъсири ўзига хос зўриқиш, кучли антропоген босимни келтириб чиқаради. Минтақанинг асосий ижтимоий географик муаммоси ҳам ана шу босимни енгиллаштириш, аҳоли ҳаёти ва фаолияти учун тегишли шарт - шароитлар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Сабаби, айнан демографик босим, ер - сув заҳираларининг етишмаслиги, озлиги минтақа ижтимоий - иқтисодий ривожланишида янги, замонавий, индустриал - инновацион ривожланиш стратегияси ва йўналишларини тақозо этади.

Вилоятда аҳоли ўсиш суръати ўртача даражада, қишлоқ туманларидаги 1989 - 2016 йиллардаги ўсиш кўрсаткичлари эса 2-жадвалда келтирилган. Кўрилатгани икки ўн йиллик давр мабойида энг юқори ўсиш даражаси Қува, Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида қайд этилади. Шу билан бирга, Фарғона, Бешариқ, Риштон, Қўштепа ва Ўзбекистон туманларида аҳолининг ўсиши нисбатан пастроқ бўлган. Бешариқ ва Риштон туманларида бундай вазият асосан уларнинг таркибидан янги маъмурий бирликларни ажралиб чиқиши – Фурқат ва Сўх туманларининг ташкил этилиши туфайли юзага келган.

Фарғона вилояти республикада аҳолиси ўта зич жойлашган минтақалардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир кв км майдонга

¹ Фарғона вилоятининг республикадаги улуши, юқорида таъкидланганидек, майдони бўйича 1,5 %, аҳолиси 11,0 % ва ялпи ички маҳсулотда – 7,5 % (2009 й.).

518,5 киши тўғри келади. Бу ҳам демографик босимнинг юқорилигидан дарак беради. Бу хусусда айниқса, Бувайда 752,1, Учкўприк 752,5, Тошлоқ 777,5, кескин ажралиб туради. Шу сабабдан мазкур туманларда ер майдонининг танқислиги яққол кўзга ташланади. Бу эса, ўз навбатида, етарли иш ўринларнинг озлиги туфайли, ички ва ташқи миграцияни зарурият қилиб қўяди. Зичлик кўрсаткичи энг паст Сўх туманида – 232,3 киши. Бироқ бу даража республика ўртача кўрсаткичидан деярли икки марта зиёд. Сўх Фарғона вилоятининг анклав ҳудуди ва унинг устига тоғли ҳудуд ҳисобланади. Чўл ҳудудида катта майдонни эгаллаган Ёзьявон туманида ҳам маҳаллий нуқтаи назардан қараганда, аҳоли зичлиги пастроқ (249,3 киши).

Умумдемографик салоҳиятига қараганда 2010 йилда фақат Қува туманида аҳоли сони 200 мингдан ортиқроқ бўлган бўлса, бу ҳолат 2016 йилга келиб аҳолиси 200 мингдан ортиқ бўлган туманлар сонининг яна 5 тага ортиши билан характерланади. Булар Бешариқ 212,0 минг киши, Бувайда 210,6 минг киши, Учкўприк 210,7 минг киши, Ўзбекистон 221,5 минг киши ҳамда 240,1 минг кишига етди. Бу жиҳатдан у Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятларида бундай аҳоли сонига эга қишлоқ туманларига деярли етиб олди. Вилоят аҳолисининг миллий таркибини ўзбеклар 88,1 %, тожиклар 5,9 фоиз, шунингдек бошқа миллат вакиллари ташкил қилади. Ўзбеклар барча шаҳар ва қишлоқ туманларида, тожиклар асосан Сўх туманида яшашади. Рус ва умуман ғайри маҳаллий миллатлар Қўқон ва, айниқса Фарғона шаҳарларида кўпроқ.

Аҳоли сони тўлиқ унинг табиий кўпайиши негизида кўпайиб бормоқда. Туғилиш бошқа вилоятларда кузатилганидек, бу ерда ҳам аста-секинлик билан кўтарилиш тенденциясини намоён қилмоқда. Бизнинг таҳлилларга кўра, бу жараён мамлакатимизда 2006 йилда

бошланган бўлиб, у аҳолининг демографик таркиби, унинг такрор барпо бўлиш хусусиятлари билан изоҳланади. Қизиғи шундаки, республикамизда барқарор иқтисодий ривожланиш асосан 1996 йилдан бошланган бўлса, демографияда бу давр ёки бурилиш ўн йил кейин юзага келди.

3-жадвал

Фарғона вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси

(ҳар минг аҳолига нисбатан, 2014 й.)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
1	Марғилон	21,7	5,2	16,5	3,4	5,6	-2,2
2	Фарғона	19,0	6,1	12,9	13,2	12,7	0,5
3	Қувасой	20,8	4,8	16,0	4,0	5,0	-1,0
4	Қўқон	21,5	6,0	15,5	5,5	7,5	-2,0
	<i>туманлар:</i>						
5	Бешарик	25,7	4,7	21,0	2,7	3,4	-0,7
6	Боғдод	24,3	4,2	20,1	3,3	2,9	0,4
7	Бувайда	24,0	3,9	20,1	3,0	2,9	0,1
8	Данғара	24,2	5,2	19,0	2,2	3,1	-0,9
9	Ёзьявон	24,7	4,0	20,7	4,0	2,3	1,7
10	Олтиарик	21,8	4,0	17,8	0,6	2,0	-1,4
11	Охунбобоев	23,2	4,5	18,7	1,9	3,2	-1,3
12	Риштон	22,2	4,5	17,7	2,6	3,9	-1,3
13	Сўх	33,6	4,0	29,6	0,8	0,7	-0,1
14	Тошлоқ	22,2	4,6	17,6	4,4	4,4	0,0
15	Учкўприк	23,5	4,5	19,0	3,8	3,0	0,8
16	Фарғона	19,6	4,3	15,2	2,2	3,3	-1,1
17	Фурқат	22,7	5,7	17,0	0,7	3,4	-2,7
18	Ўзбекистон	24,0	5,3	18,7	5,3	3,4	1,9
19	Қува	21,1	4,7	16,4	4,7	5,0	-0,3
	Вилоят	22,7	4,8	17,9	4,0	4,5	-0,5

Жадвал Фарғона вилояти статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2014 йилда Фарғона вилояти бўйича туғилиш ҳар минг кишига 22,7 промиллени ташкил қилган (республика даражасидан юқорирак).

Қайд этиш лозимки, мазкур кўрсаткич Бешариқ ва, айниқса Сўх туманида анча юқори; 25,7, ва 33,6 ‰ (3-жадвал).

Геодемографик вазиятнинг мамлакат миқёсида таҳлили туғилишнинг айнан тоғли ёки тоғ олди ҳудудларда жойлашган туманларда кўплигини кўрсатади (Чирокчи, Нуробод, Қўшробот, Бойсун, Сариосиё туманларидаги ҳолат шунга яқин ёки шу даражада). Сўхда туманида 2000 йилда ҳам энг юқори туғилиш коэффиценти кузатилган - 24,7 ‰. Туғилиш шаҳар жойларнинг баъзиларида 2008 - 2009 йилларда бирмунча пасайган. Масалан, у Фарғона шаҳрида 19,5 дан 19,0 промиллега, Марғилонда 22,4 дан 21,7 га тушган. Агар Фарғона шаҳрида туғилиш “урбанистик муҳит” га хос бўлса, Марғилонда у анча юқори, ҳатто Фарғона (19,6 ‰) ва Қува туманларидан (21,1 ‰) олдинда.

Аҳолининг табиий кўпайиш географиясини унинг туғилиш даражасидаги ҳудудий тафовутлар белгилаб беради. Бинобарин, ушбу кўрсаткич Сўх, Бешариқ, Ёзёвон, Боғдод, Бувайдада юқори, Олтиариқ, Фарғона, Фурқат ва Қува қишлоқ туманларида бироз пастроқ.

Юқорида таъкидланганидек, аҳоли зич, унинг нисбий ва мутлоқ кўплигидан миграция ҳам келиб чиқади. Фарғона вилояти бу қоидадан мустасно эмас. Сўнги йилларда ташқи миграция минус 0,5 - 0,6 промиллени ташкил қилган. Агар бу кўрсаткич, аҳоли табиий кўпайиши, яъни 22,7 дан олиб ташланса, у ҳолда ҳақиқий демографик ўсиш 22,2 промилле ёки 2,2 фоизга тенг бўлади. Бу, албатта, анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. Салбий миграция айниқса Фурқат туманида (минус 2,7 ‰) ҳамда Марғилон (-2,2 ‰) ва Қўқон (минус 2,0 ‰) шаҳарларида кўпроқ, Сўх ва Қува туманларида озроқ, Тошлоқда деярли йўқ, Ўзбекистон, Учкўприк, Ёзёвон, Бувайда ва Боғдодда ижобий.

Аслини олганда, аҳолининг миллий таркибидан келиб чиқиб, Фарғона шаҳрида ташқи миграция кучлироқ бўлиши мумкин эди. Эҳтимол, олдинги йиллардаги катта миграцион “йўқотиш” бу шаҳарда тўхтади ва унинг миграция ресурси ёки имконияти анча пасайди. Марғилон шаҳридаги бундай вазият тасодифий эмас, чунки дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий муаммолар (бу марказлар “моношаҳарлар”, яъни бир соҳага тор ихтисослашган ҳисобланади) туфайли ана шундай демографик ҳолат кузатилади. Ўзимизнинг кўмирчилар шаҳри – Ангренда ҳам шунга ўхшаш жараёнлар кечмоқда. Демак, бундай саноат марказларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, функционал таркибини диверсификациялаш зарур.

Вилоятнинг ҳудудий - урбанистик таркиби яхши ривожланган; бу ерда 3 та катта, яъни ҳар бирининг аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар мавжуд: **Фарғона (271,0 минг киши), Қўқон (239,9 минг), Марғилон (222,1 минг киши)**. Бундай “триоград” республикамызда фақат Тошкент вилоятида бор, холос - Чирчиқ, Ангрен ва Олмалиқ. Бироқ, пойтахт вилоятига таққослаганда Фарғонада ўрта бўғин шаҳарлар тизими ривожланмаган. “Элликминглик” шаҳар вилоятда умуман йўқ; Қува шаҳрида 42 минг, Риштонда 36 минг, қолганларида аҳоли сони бундан кам. Кичик шаҳар ва шаҳарчалар сони 2009 йилда янада кўпайди, демак, урбанистик таркиб майдалашди, кичик шаҳарлар муаммосининг долзарблиги янада кучайди. Шу йилда бирданига 196 та қишлоқларга янги шаҳарча мақоми берилди, бундай бетакрор урбанистик ҳолат бўйича республикамызда вилоят биринчи ўринда туради. Маълумки, Ўзбекистонда жами 966 та янги шаҳарчалар - агрошаҳарлар вужудга келган бўлса, уларнинг ҳар бештадан биттаси (1/5 қисми) айнан биргина Фарғона вилояти харитасида пайдо бўлган.

Ҳозирги вақтда вилоятда 9 та шаҳар 206 та шаҳарчалар бор (шаҳар жойлар сони бўйича республикамизда биринчи ўринда) ва уларда жами аҳолининг 58,8 фоизи истиқомат қилади. Бу кўрсаткич атиги бир йил олдин 27,8 фоизга тенг эди, ва бу борада вилоят Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидан олдинда турган эди, холос. Энди эса Фарғона умумий урбанизация даражаси бўйича Наманган вилоятидан кейинги иккинчи ўринга “сақради”. Янги шаҳарчаларнинг энг кўпи Ўзбекистон (21 та), Фарғона ва Боғдод (20 тадан) туманларида қайд этилади. Уларнинг сони Қува, Охунбобоев ва Олтиариқда ҳам кўпроқ. Аҳоли сони бўйича эса Фарғона ва Олтиариқ туманлари олдинда.

Янги шаҳарчалар Фарғона ва Қувасой шаҳар ҳокимиятларида ҳам ташкил этилган. Таъкидлаш жоизки, Охунбобоев, Бувайда, Учкўприк ва Фурқат туманларида 2008 йилда бирорта шаҳар ёки шаҳарча бўлмаган. Бинобарин, уларнинг ҳозирги урбанистик вазияти айнан 2009 йилнинг “янги урбанистик сиёсати” натижасида вужудга келган (4 - жадвал).

Янги шаҳарчаларнинг ҳар бирини аҳолиси Олтиариқ туманида кўп - 16,9 минг киши; Фарғона шаҳар ҳокимиятига қарашли шаҳарчалар ҳам анча каттароқ - 13,4 минг киши. Ўртача ҳар бир янги шаҳарчага 4786 кишидан тўғри келади. Улар орасида энг катталари Фарғона шаҳрига қарашли Бешбола, Ёрмозор, Оқариқ, қишлоқ фуқоролар йиғинлари; қишлоқ туманлари миқёсида Олтиариқ туманида Олтиариқ (13108 киши), Эскиараб (14200), Полосон (13831), Янгиқўрғон (14769); Бувайда туманида Бекобод (15500), Бувайда (14853), Янгиқўрғон (18335); Фарғона туманида Водил (18786), Ҳонқиз (11324), Ёзёвонда - Қоратепа (11843 киши) ва ҳ.к.

Фарғона вилояти янги шаҳарчаларининг ҳудудий таркиби.

т/р	Қишлоқ туманлари	Сони		Аҳолиси (2013 й.)		1.01.2008 йилда	
		сони	фоизда	минг киши	фоизда	жами қишлоқ аҳолиси, минг киши	шундан аҳолисининг янги шаҳарчалардаги улуши, %
1	Бешариқ	10	5,1	42,3	4,5	151,1	27,8
2	Боғдод	20	10,2	77,4	8,3	154,3	50,2
3	Бувайда	10	5,1	97,6	10,4	171,8	56,8
4	Данғара	8	4,1	22,7	2,4	129,0	17,5
5	Ёзёвон	8	4,1	41,9	4,5	69,9	59,9
6	Олтиариқ	13	6,6	106,2	11,3	144,7	73,4
7	Охунбобоев	14	7,2	63,2	6,7	147,3	42,9
8	Риштон	13	6,6	74,9	8,0	127,7	58,6
9	Сўх	7	3,6	38,8	4,1	58,2	66,7
10	Тошлоқ	9	4,6	24,1	2,6	137,0	17,6
11	Учкўприк	11	5,6	33,7	3,6	176,3	19,1
12	Фарғона	20	10,2	119,8	12,8	174,9	68,5
13	Фуркат	8	4,1	22,7	2,4	94,5	24,0
14	Ўзбекистон	21	10,7	63,2	6,7	162,7	38,8
15	Қува	15	7,7	53,4	5,7	157,3	33,9
	Фарғона шаҳар ҳокимияти	3	1,5	40,2	4,3	40,2	100,0
	Қувасой шаҳар ҳокимияти	6	3,0	15,8	1,7	47,1	33,5
	Жами	196	100	938,0	100	2145,0	43,7

Фарғона вилоятида ҳозирги вақтда жами 993 қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд, уларнинг ҳар бирида ўртача 1255 киши яшайди. 2008 йилда эса бу рақамлар, мос ҳолда, 1189 ва 1804 кишига тенг бўлган.

Вилоят қишлоқлар географияси ўзига хос ва бетакрор; ажойиб ва ғалати номли қишлоқлар каналлар, сой ва йўллар бўйларида занжирсимон, йирик шаҳарлар атрофида уларга “ёпишиб” жойлашган. Қадимдан кўп қўл меҳнати талаб қилувчи суғорма деҳқончилик бу ерда катта - катта қишлоқларга ҳаёт бағишлаган.

Аҳоли пунктларининг ғуж жойлашиши шаҳарларнинг мураккаб ҳудудий тизими - агломерациялар шаклланишига олиб келган. Вилоят аҳолиси ва иқтисодиёти энг аввало Фарғона - Марғилон, шунингдек, вужудга келаётган Қўқон агломерациясида мужассамлашган.

2.2. Вилоят аҳоли жойлашувининг ландшафт тафовутлари

Баландлик минтақаланиши қонунияти муҳим азонал қонуният бўлиб, тоғларда географик компонентларнинг кенглик географик зоналарининг алмашилишига ўхшаб кетадиган минтақалар шаклида жойланишида ифодаланади.

Баландлик минтақаларининг таркиб топишида ҳам кенглик зоналарининг вужудга келишидаги каби иссиқлик омили бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Кенглик зоналаридаги иссиқлик омилининг ўзгариши турли кенгликларда қуёш нурунинг ҳар хил бурчак остида тушишига боғлиқ бўлса, баландлик минтақаларида жойнинг денгиз сатҳидан баландлигига боғлиқ. Баландликка кўтарилган сари қуёш радиацияси интенсивлиги ҳар 1000 м да 10%дан ортиб борса ҳам, лекин хавонинг сийраклиги натижасида ернинг узун тўлқинли нур тарқатиши янада тезроқ ошиб, ҳароратнинг пасайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари баландликка кўтарилган сари ерга тушадиган қуёш нурунинг

таркиби ҳам ўзгаради-ультрабинафша нурлар салмоғи ортади. Ҳарорат градиенти текисликлардагига қараганда тоғларда бир неча юзлаб ҳисса катта бўлади, яъни тоғларда юқорига кўтарилган сари ҳарорат текисликда кенгликларга қараб ўзгаришидан бир неча юз марта тез пасайиб боради. Масалан, тоғларда ҳар 1000 метр баландликда ҳарорат 6^0 дан пасайиб борса, текисликларда унинг шунча миқдорда пасайиши учун кенглик бўйлаб 1300 км масофа керак бўлади.

Юқорига кўтарилган сари намлик шароити ҳам текисликлардагидан бошқача равишда миқдори юқорига томон ортади ва маълум баландликка етгандан кейин камая бошлайди. Ёғин энг кўп тушадиган минтақа Альп тоғларида 2000, Кавказда 3000, Ўрта Осиёда 4000 м га яқин баландликда, Марказий Осиёда эса ундан ҳам баландда жойлашган. Тоғлардаги ёғин тақсимотига тизмаларнинг йўналиши, ён бағирларнинг шакли, қиялиги ва бошқалар катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам тоғларнинг нам тушиши шароити бениҳоя мураккаб бўлади.

Баландлик минтақалари иссиқлик режими, нам тушиш шароитидан ташқари ҳаво босими, сийраклиги ва ҳатто ҳаво массалари циркуляцияси жихатидан ҳам фарқ қилади. Юқорига кўтарилган сари ҳаво циркуляциясига ҳарорат ва босимнинг фаслий ўзгариши ва ер юзасининг ҳолати тобора камроқ таъсир этади.

Баландлик минтақалари ландшафтлари фақат иқлим хусусиятлари билан эмас, ўзига хос табиий процесслари (эрозия, нураш, кўчки) ва табиий компонентлари (тупроқ, ўсимлик, сувлар) билан ҳам текислик ландшафтларидан фарқ қилади.

Баландлик минтақалари спектри (кўриниши) кенглик зоналари спектрининг оддий такрорланиши эмас, шу билан бирга кенглик зоналарида учрамайдиган зоналар инверсияси баландлик минтақаларида учраши мумкин.

Баландлик минтақаланишининг характери, минтақалар спектри тоғларнинг қайси географик зонада жойлашганлигига боғлиқ. Буни биз меридиан йўналишида 2000 км га чўзилган Урал тоғларидаги баландлик минтақаларида яққол кўришимиз мумкин. Бу жойда тоғнинг ҳар бир кенглик зонасида-тундра, ўрмон-тундра, тайга ўрмон-дашт ва дашт зоналарида жойлашган қисмлари бир-бирларидан баландлик минтақаларининг сони, характери, алмашилиши тартибига кўра фарқ қилади.

Баландлик минтақаланишнинг кенглик зоналлигига боғлиқ эканлигини кутблардан экваторга томон борган сари уларнинг мураккаблашиб, спектрининг тўлиб боришида кўриш мумкин.

Битта кенглик зонада жойлашган баландлик минтақаланишининг шу зона тоғ ландшафтига хос бўлган типик тузилмаси баландлик ландшафти минтақаланишининг типи деб аталади.

Бироқ, бир ландшафт зонасида жойлашган турли тоғлардаги баландлик минтақаланиши тузилмаси ҳамма вақт бир хил бўлавермайди. Бунга асосан тоғлар жойлашган ерларнинг провинциаллик омиллари, яъни узоқлик иқлимий омиллар-нам тушиш шароити ва континенталлик даражаси сабаб бўлади. Бир зонада, лекин турли кенглик провинцияларидаги тоғларнинг баландлик минтақаланиши минтақалар спектрининг сонидан эмас, балки ҳар бир минтақанинг табиий географик хусусиятида намоён бўлади. Масалан, Евросиё материгининг ғарбий ва шарқий тайгалардан тоғ тайга ўрмонлари қорамтир игна барглиги ўрмонлардан, марказий (Шарқий Сибирь) қисмидаги тоғ тайга ўрмонларида ёруғ игна баргли ўрмонлардан иборат. Сийрак ўрмонлар минтақасида ғарбда майда ел ҳамда қарағайлар ўсса, Шарқий Сибирда кедрлар, Узоқ Шарқда тошқайин ўсади.

Тоғ тизмаларининг йўналиши, бир-бирига нисбатан жойлашилиши, уларнинг баландлиги, ён бағирларининг турли томонга қараганлиги, берк

ботиқларнинг баланд сиртларнинг мавжудлиги натижасида баландлик минтақалари мураккаб ва хилма-хил бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кенглик зоналиги билан баландлик минтақаланиши бир-бирига маълум даражада ўхшаса ҳам, бу ўхшашлик ташқи кўринишда холос. Баландлик минтақаланиши азонал ходисадир ва у тектоник сабабларга кўра вужудга келади ҳамда релоефнинг кўтарилган шакллари-тоғларда рўй беради.

Текисликларда рельефнинг абсолют баландлиги унчалик катта бўлмаса ҳам (300-400 м) ландшафтда баландлик хусусиятларга қараб табақаланиши сезилиб туради. Ландшафтдаги бу табақаланиш фарқлари қирлар билан паст ерлар иқлимидаги тафовутларда, жумладан ёғин миқдори ва ҳароратдаги фарқлар, тупроқ хусусиятларида, сувлар режимида, эрозия ва аккумуляция процессларида намоён бўлади.

Текислик бундай табиий ландшафтлар табақаланиши баландлик табақаланишига қараганда кучсиз бўлади. Шунинг учун ҳам буни баландлик минтақаланиши деб бўлмайдди. Уни геоморфологик табақаланиши десак тўғрироқ бўлади. Ф.Н. Мильков бу ходисани ландшафтларнинг вертикал бўлиниши деб атайди; Россия текислигида ана шундай учта баландлик босқичини ажратиб кўрсатади: қуйи (150-180 м гача), ўрта (250-300 м гача) ва юқори (250-300 м дан баланд) босқичлар.

Энди юқоридаги тушунчалардан фарқли равишда худди шундай табиий баландлик минтақаланиши ёки ландшафт минтақаланишини иқтисодий маконга тадбиқ қилиб кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам бундан қараш ёки ёндошувнинг айнан иқтисодий географияга хос эканлиги фан олдида қатор вазифалар юклайди. Ушбу вазифалар доирасида эса олиб борилаётган тадқиқотнинг энг муҳим вазифалари муаммонинг бош мақсади сифатида қўйилади. География тадқиқ этилаётган ҳудуднинг дастлаб “географик ўрни ва чегаралари” тушунчасига эътибор қаратилади.

Бу эса географияда ҳудуднинг географик ўрни моҳиятан муҳим эканлигини билдиради.

Кишилиқ жамияти яралибдики инсонлар ўзлари учун яшаш мумкин қадар қулай шароатларни яратишга ёки табиатнинг ўзи яратган энг олий қулайликлардан фойдаланишга интилиб келади. Дунё манзарасига назар ташласак унда инсон яшайдиган ҳудудларнинг яқсариёти дарё бўйлари, денгиз қирғоқлари қуруқлик ичкарасида эса дарё водийларига тўғри келади ва бунда айнан географик ўрин тушунчаси яшаш муҳитларининг энг муҳим бирлиги сифатида қаралади. Ҳудди шундай табиатнинг инсон яшаши учун ўта қулай ҳудудларидан бири Ўзбекистонда шубҳасиз Фарғона водийсидир.

Юқорида айнан географик ўрин тушунчасига урғу бердик. Географик ўрин тушунчаси Фарғона водийсида таҳлил этилганда ҳудуднинг инсон яшаши учун қулайликлари яққол кўринади. Фарғона водийси географик тил билан яйтганда Фарғона сойлигида яъни - Ўрта Осиёдаги тоғлар орасида жойлашган водий, Ўрта Осиёнинг йирик тоғ оралиги (сойлик) ботиқларидан бири. Шимолда Тяньшан ва жанубда Ҳисор-Олай тоғ тизмалари билан ўралган. Асосан, Ўзбекистон, қисман Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳудудида. Кенг қисми Туркистон ва Олой тизмаларининг шимолий ён бағирларига бориб тақаладиган учбурчак шаклида бўлиб, шимоли-ғарбдан Қурама ва Чотқол тизмалари, шимоли-шарқдан Фарғона тизмаси билан ўралган. Ғарбда тор йўлак (эни 8-10 км) “Хўжанд дарвозаси” орқали Тошкент-Мирзачўл ботиғи билан туташган. Узунлиги 300 км, эни 60-120 км, энг кенг жойи 170 км, майдони 22 минг км². Баландлиги, ғарбида 330 м, шарқда 1000 м. Унинг умумий тузилиши эллипс (бодом)симон кўринишда. Ғарбдан шарққа кенгайиб боради. Фарғона водийси ер юзаси тўртламчи даврнинг аллювиал ва пролювиал-аллювиал чўкиндиляри билан тўлган. Сойлик тошкўмир даврида эгилма шаклида бўлган, ўрта тошкўмир даврида қалин

кумтош - лойли чўкиндилар билан қопланган. Бўр даврида саёз денгиз бўлган. Палеоген даврининг охирига келиб батамом курукликка айланган. Сойлик атрофидаги тоғ тизмалари альп бурмаланишида кескин кўтарила бошлаган, лекин, денудация (лотинча *denudatio* - очилиб қолиш, очилма) жараёнида қайтадан емирилган. Водий тубидаги денгиз ётқизиклари устини континентал ётқизиклар қоплаган (қалинлиги 300-400 м).

Фарғона водийси ер юзаси тузилишини бир неча поғона (зона)га бўлиш мумкин. Рельефининг биринчи поғонаси сойликнинг марказий қисмини ва Сирдарёнинг ҳозирги ўзанигача бўлган 300-400 м баландликдаги ерларни эгаллаган. Бу ҳудудда 200 км масофадаги нишаблик шарқ, жануби-шарқ ва жанубдан ғарбга томон 80 м га тенг. Денгиз ётқизиклари устида аккумулятив жинслар, кейинги даврларнинг кўл ётқизиклари, шамол олиб келган жинслар кенг тарқалган. Бу поғонада шўрхоклар, кўлларнинг ўрни, кумли тепаликлар учрайди. Водийнинг бу қисмида Наманган вилоятининг Тошбулоқ, Мингбулоқ, Жомашуй, Гулбоғ, Ғурумсарой ва Навбаҳор, Фарғона вилоятида эса Бувайда ва Данғара аҳоли пунктлари қад кўтарган. Ушбу аҳоли пунктларида аҳоли зичлиги минтақа энг зич ҳудуддир.

Сойликнинг иккинчи поғонаси дарё ва сойларнинг кенг ёйилмаларини эгаллаган тош-шағалли майдонлардан иборат 400-600 м ли баландликлар эгаллайди. Бу поғонада тўртламчи давр аллювиал ётқизиклари кенг тарқалган бўлиб, улар сойлик атрофини ҳалқа каби ўраб олган. Бу поғонада аҳоли пунктлари зич жойлашмаган бўлсада аммо, ижтимоий муҳитнинг энг асосий қисми ҳисобланади. Андижон вилоятининг Куйганёр, Пойтуғ, Андижон, Олтинкўл, Шахрихон, Асака ва Бўз, Фарғона вилоятининг Қува, тошлоқ, Лангар, Марғилон, Ёзёвон, Қоратепа, Арабмозор, Ҳамза, Бағдод, Яйпан ва Қашқар, Наманган вилоятининг Ҳаққулобод, Уйчи, Тўрақўрғон, Оқтош, Халқобод, Поп ва

Уйғурсой аҳоли пунктлари жойлашган. Улардаги аҳоли зичлиги меъёрдан ортган.

Рельефнинг учинчи поғонасини баландлиги 600-1200 м бўлган адирлар зонаси ташкил қилади. Фарғона водийси юзаси жанубдан ўраб турган Конибодом, Шўрсув, Риштон, Чимён, Аввал, Муян адирлари тош-шағаллардан иборат ётқизиклардан, Навкат ва шарқий адирлари лёсс ва лёсслашган гил жинслардан тузилган; катта-катта қоясимон жарликлар, куламалар бу ер рельефи учун хосдир. Шимолий Фарғонадаги Наманган, Чуст, Поп адирларининг жананбий ён бағирлари Сирдарё водийси томон зинапоясимон пасайган. Адирлар ортидаги текисликлар аллювиал жинслар билан қопланган. Водийни ўраб турган тоғлар ана шу аккумулятив текисликлардан бошланади. Бу поғонада Фарғона ва Наманган вилоятларида зичлик унча катта бўлмасада аммо Андижон вилоятида аҳоли пунктлари ўта зич жойлашган. Андижон, Хўжабод, Ширмонбулоқ, Бўстон, Қўрғонтепа, Найман, Ойим, Қорасув ва Хонабод аҳоли пунктлари айнан шу поғонани банд этади. Бу поғонада минтақа аҳолисининг зичлиги меъёр кўрсаткичларига жавоб беради.

Ҳозирги баландлик минтақаланишига мос ҳолдаги аҳоли жойлашуви поғонасимон жойлашув тарихий даврларда худди шундай бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Антропоген босимнинг “марказлашуви” ёки водийнинг биринчи поғонасида аҳоли зичлигининг ортиши поғонанинг табиий аграр имкониятлари минтақада энг кам эканлигини билдиради. Ўз навбатида ТАИ энг самарали кўрсаткичи юқори поғонада сақланиб қолади.

Водийнинг 90 фоиз ҳудуди тоғлар билан ўралганлиги бу ерда харорат ва ёғинларнинг бир меъёрда бўлишини таъминлайди. Об-ҳавода кескин ўзгаришларнинг йўқлиги, табиий муҳитнинг барқарорлиги водийда аҳолининг узоқ тарихий босқичларда ҳам аҳолининг зичлигига олиб келган. Бу эса республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан фарқни

сезиларли даражага олиб чиқади. Республика миқёсида таҳлил этилса минтақанинг улуши 4 фоизга аммо аҳолиси республика аҳолисининг 30 фоизини ташкил этади.

Фарғона водийсида аҳоли зичлигининг ортиши (кейинги йилларда адир минтақа аҳолисининг зичлашуви) ўз навбатида бир қатор географик оқибатларга олиб келган. Узоқ йиллар давомида антропоген босимнинг юқори бўлганлиги ва ер ресурсларидан тўхтовсиз фойдаланиш унинг самарадорлик даражасига катта таъсир кўрсатган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ердан фойдаланиш ва уни ҳудудий ташкил этиш соҳасида асрлар давомида шаклланган тарихий тажриба, кўникма ва малакалар “йўқолиб” бормокда. Ижтимоий тараққиёт, маҳсулотга бўлган талабнинг ортиши ва айниқса зичлик юқори ҳудуднинг янада зичлашуви Фарғона водийсининг маҳсулдор ўтмишига путур етказмокда. Шу нуқтаи-назардан, водийда тарихий геологик тараққиёт, сув ва ер ресурсларининг ҳолати, иқтисодий-ижтимоий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ер-сув ресурсларидан фойдаланишни алоҳида чуқур таҳлил этиш лозимдир. Зеро, Фарғона водийсидек қулай “географик ўрин” барча ҳудудларда ҳам мавжуд эмас.

Республикаимизнинг рельеф тузилишига эътибор қаратсак, унда бир-биридан фарқ қилувчи баланд пастликлар яъни баландлик минтақаланишини кўрамиз. Одатда вилоят ва туманлар доирасида биз аҳолининг ўртача зичлигини ажратишга ҳаракат қилимиз. Аммо ҳар бир туман ва қишлоқлар доирасида аҳолининг баландлик минтақаланиши бўйича ички тоғувутлар ҳам сезиларда даражада каттадир. Вилоят картасига назар ташласак унда энг катта ҳудудларни баландлиги 400 метргача бўлган (чўл) ҳудудлар эгаллайди. Иккинчи баландлик минтақаси сифатида тадқиқотлар давомида 400-600 метрли баландлик тоифалари ажратилади.

Вилоятнинг 600 метрдан 800 метргача бўлган баландлик минтақалари майдони унча катта эмаслиги ва ушбу ҳудудларда аҳолининг зич эмаслигини ҳисобга олиб, баландлиги 600 метрдан юқори бўлган ҳудудларни учинчи баландлик минтақаси сифатида ажратиш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Баландлик минтақалари бўйича маъмурий туманларнинг жойлашуви

Баландлик минтақалари	Денгиз сатҳидан баландлиги	Мос келувчи маъмурий туманлар	
		Тўла мос келувчи маъмурий туманлар	Қисман мос келувчи маъмурий туманлар
1-баландлик минтақаси	0-400 метр	Фурқат, Бувайда	Бешариқ, Фурқат, Учкўприк, Боғдод, Олтиариқ, Ёзёвон
2-баландлик минтақаси	400-600 метр	Қўқон шаҳри, Марғилон шаҳри, Тошлоқ тумани	Бешариқ, Ўзбекистон, Фурқат, Учкўприк, Боғдод, Риштон, Олтиариқ, Қўштепа, Қува
3-баландлик минтақаси	600 метрдан юқори	Фарғона, Қувасой	Бешариқ, Ўзбекистон, Учкўприк, Боғдод, Риштон, Олтиариқ, Қува

Жадвалдан кўриниб турибдики, кўплаб маъмурий туманлар битта баландлик минтақасига мос эмас. Бу эса ўз навбатида бир маъмурий туманнинг турли баландликларда турлича шароит юзага келишини ва аҳолининг турли баландлик минтақаларида зичлигининг хилма-хиллигида намоён бўлади.

2.3. Туман аҳолисининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш бўйича асосий тавсиялар.

Қува тумани – Фарғона вилоятидаги 15 маъмурий тумандан биридир. 1926 йил 29-сентябрда ташкил этилган. Жанубий-ғарбдан Фарғона, шимолий-ғарб ва ғарбдан Тошлоқ туманлари, шимол ва шарқдан Андижон вилоятининг Бўз, Шаҳрихон, Асака, Марҳамат туманлари, жанубий-шарқ ва жанубдан Қирғизистоннинг Ўш вилояти билан чегарадош. Майдони 440 км². Аҳолиси: 240,1 минг киши (2016). Туманда 1 шаҳар (Қува), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Акбаробод, Байналминал, Баҳор, Дехқонобод, Иттифок, Маданият, Намуна, Тошлон Муҳитдинов, Туркравот, Янгиқишлоқ, Янгиҳаёт) ва 49 маҳалла фуқаролари йиғини бор. Маркази – Қува шаҳри.

Ер юзаси адир ва адир олди текисликларидан иборат. Жанубдан шимолга пасайиб боради. Иқлими континентал; қиши юмшоқ, ёзи иссиқ. Январнинг ўртача ҳарорати $-2,5^{\circ}$ дан $-3,2^{\circ}$ гача, июлники $27—29^{\circ}$, энг паст ҳарорат -26° , энг юқори ҳарорат 42° . Йиллик ёғин 170–230 мм.

Вегетация даври 210–220 кун. Совуқсиз кунлар 204 кун давом этади.

Тупроқлари бўз, ўтлоқи-бўз, ўтлоқи ва тоғ-ўтлоқи тупроқлар. Ҳудудининг кўп қисми ўзлаштирилган, ёввойи ўсимлик кам сақланган. Туманнинг суғориладиган қисмида ажриқ, шўра, терак, тол, жийда ва бошқа; адирларда қўнғирбош, ранг, қатрон, бетага, чалов, шувоқ ва бошқа ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, қуён, жайра, тошбақа; қушлардан бедана, каклик, каптар, қарға, қалдирғоч, сувларда ҳар хил балиқлар бор.

Асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 545,7 киши.

Асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Кичик корхона, микрофирма ва бошқа корхоналар мавжуд. Саноат корхоналаридан пахта тозалаш заводи, дон маҳсулотлари комбинати, автокорхона, “Иссиқнон”

1-рasm

КАРТАДА РАҚАМЛАР БИЛАН ИФОДЛАЛАНГАН

- 1 Кишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиغان ерлар
- 2 Тошлук тумани бўрдоқчиллик қорғони 4-чў. УМД
- 3 Абдураззоқов ном. ш.ш. 2-чў.
- 4 Тошлук тумани "Яқинқўш" ш.ш. 2-чў.
- 5 Бўрдоқчиллик комплекси
- 6 "Яқинқўш" ш.ш. 2-чў.
- 7 "Бўстон" ш.ш. 2-чў.
- 8 Бўрдоқчиллик қорғони 1-чў.
- 9 Тошлук тумани "Наҳор" ш.ш. 3-чў.
- 10 Абдураззоқов ном. ш.ш. 1-чў.
- 11 Разमतов ном. ш.ш. 2-чў. УМД
- 12 Шревер ном. институт Фарона тажриба станициси

44

67 умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, 3 лицей, 3 гимназия, 2 касб-ҳунар коллежи, клуб муассасалари, маданият уйи, 70 га яқин кутубхона, маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихоналар ва бошқа тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Фарғона водийсининг айланма темир йўл (темир йўл бекати халқ тилида “Станция” деб аталади), шунингдек, Қува шаҳри орқали Фарғона – Андижон, Андижон – Марғилон – Қўқон ва бошқа автомобил йўллари ўтган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши бош мақсад қилиб қўйилмоқди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса кейинги йилларда қишлоқ тараққиётига хусусан коммунал хўжалик ҳамда уй-жой таъминоти масалаларига катта эътибор қаратилаётгани бунинг яққол мисолидир. Шунингдек, узоқ муддатга мўлжалланган махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши, уни жадал амалга оширишнинг бошлаб юборилиши ижтимоий муҳит қиёфасини ва иқтисодиётини тубдан ўзгартириш даврини бошлаб берди. Шунингдек, шаҳар манзилгоҳларининг босқичма-босқич реконструкция қилинаётганли ҳам шаҳар аҳолисининг фаровонлигини янада ошириш, мавжуд аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилгандир.

Аҳоли зичлигини таҳлил қилиш республикамизда кўплаб олимлар томонидан амалга оширилган ва ерга қилинаётган турли хил тадбирларни ҳисоблаш орқали вилоятнинг антропоген босимини ҳисоблаш мумкин. Бундай ҳисоблашлар ер ва сув муаммоларини ўрганган ва таҳлил этган кўплаб олимлар илмий тадқиқотларида учрайди. Мазкур битирув малакавий ишда олиб борилган тадқиқот анчайин янгича ёндошув бўлди дейилса ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Қува туманида 62 та муъмурий бирлик мавжуд бўлиб, уларнинг 11 таси қишлоқ фуқаролар йиғинлари (ҚФЙ), 51 таси маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) сифатида қайд этилган (6-жадвал).

6-жадвал

Қува туманида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари таркиби (ФЎЎБО манзили, аҳолиси, оилалар сони)

№	ФЎЎБО номи	ФЎЎБО манзили	Аҳоли сони	Оила сони
1	Акбаробод ҚФЙ	Олтиариқ қишлоғи	3399	696
2	Юзия МФЙ	Юзия қишлоғи	3783	875
3	Гулистон МФЙ	Гулистон қишлоғи	4020	998
4	Кандабулоқ МФЙ	Кандабулоқ қишлоғи	2935	663
5	Олтиариқ МФЙ	Олтиариқ қишлоғи	3017	685
6	Дамариқ МФЙ	Дамариқ қишлоғи	3260	670
7	Байналминал ҚФЙ	Қалинпўстин қишлоғи	3489	667
8	Пахтакор МФЙ	Тожиқ қишлоғи	3944	910
9	Қалинпўстин МФЙ	Қалинпўстин қишлоғи	3665	768
10	Чилон МФЙ	Чилон қишлоғи	3424	799
11	Баҳор ҚФЙ	Қайрағоч қишлоғи	3262	678
12	Мустақиллик МФЙ	Мустақиллик қишлоғи	3427	927
13	Ўрабоши МФЙ	Ўрабоши қишлоғи	4052	1097
14	Сойкелди МФЙ	Сойкелди қишлоғи	3006	676
15	Намуна ҚФЙ	Қақир қишлоғи	4579	807
16	Толмозор МФЙ	Толмозор қишлоғи	4228	1033
17	Турк МФЙ	Турк қишлоғи	4050	980
18	Янгичек МФЙ	Янгичек қишлоғи	3813	1100
19	Қақир МФЙ	Қақир қишлоғи	4362	1448
20	Бойистон МФЙ	Бойистон қишлоғи	2929	672
21	Янгихаёт МФЙ	Янгихаёт қишлоғи	4075	845
22	Қорақум МФЙ	Қорақум қишлоғи	4496	1100
23	Иттифок ҚФЙ	Султонобод қишлоғи	3468	836
24	Саноатчилар МФЙ	Бегобод қишлоғи	4640	1301
25	Султонобод МФЙ	Султонобод қишлоғи	1975	520
26	Янгихаёт ҚФЙ	Салим қишлоғи	2901	675
27	Дехқонобод МФЙ	Дехқонобод қишлоғи	4520	1174
28	Янгиобод МФЙ	Янгиобод қишлоғи	3675	780
29	Ифтихор ҚФЙ	Лайлақуя қишлоғи	5147	1528
30	Сўфи МФЙ	Сўфи қишлоғи	2999	723
31	Қайирма МФЙ	Қайирма қишлоғи	3878	821
32	Найман МФЙ	Найман қишлоғи	3157	768
33	Дехқонобод ҚФЙ	Шўрмаҳалла қишлоғи	3181	649
34	Каттақишлоқ МФЙ	Каттақишлоқ қишлоғи	2867	778
35	Жалаер МФЙ	Жалаер қишлоғи	2466	694

36	Қашқар-1 МФЙ	Қашқари қишлоғи	3287	814
37	Болалик МФЙ	Болалик қишлоғи	3091	893
38	Пандигон МФЙ	Пандигон қишлоғи	2397	600
39	Туркравот ҚФЙ	Пастки Хўжа-Хасан қишлоғи	6212	1301
40	Пастки Хўжа-Хасан МФЙ	Пастки Хўжа-Хасан қишлоғи	3437	682
41	Қашқар-2 МФЙ	Қашқари қишлоғи	3613	821
42	Новкент МФЙ	Новкент қишлоғи	3422	792
43	Қорашох МФЙ	Қорашох қишлоғи	3863	786
44	Маданият ҚФЙ	Шарқ Юлдузи қишлоғи	4076	905
45	Хонобод МФЙ	Хонобод қишлоғи	4911	1086
46	Янгиқишлоқ ҚФЙ	Сойгузар қишлоғи	3950	1067
47	Янгиқишлоқ МФЙ	Янгиқишлоқ қишлоғи	3404	856
48	Тожиқ МФЙ	Тожиқ қишлоғи	2685	640
49	Қўрғонча МФЙ	Қўрғонча қишлоғи	2645	642
50	Оққўрғон МФЙ	Оққўрғон қишлоғи	3922	985
51	Кува МФЙ	Қайкуббод кўчаси	4554	768
52	Тошкент МФЙ	Тошкент кўчаси	6010	1534
53	Тинчлик МФЙ	Зайнабхонхожи кўчаси	4616	1300
54	Тошховуз МФЙ	Ёшлиқ кўчаси	3908	883
55	Ғалаба МФЙ	А.Яссавий кўчаси	2468	680
56	Раста МФЙ	Қайкуббод кўчаси	2789	601
57	Тахтақўприк МФЙ	Тахтақўприк кўчаси	3190	959
58	Гўзал МФЙ	Тинчлик кўчаси	2486	680
59	М.Хасанов МФЙ	М.Хасанов кўчаси	4492	996
60	Ўзбекистон МФЙ	Беруний кўчаси	2723	515
61	Гулобод МФЙ	Қайкуббод кўчаси	4087	750
62	Дўстлик МФЙ	Бобур кўчаси	2189	531
	11-ҚФЙ, 51-МФЙ		224516	53408


Туманда аҳоли сони жиҳатидан энг йирик бирлик сифатида Пастки Хўжа-Хасан қишлоғида жойлашган Туркравот ҚФЙнидир. Унда 2014 йил маълумоти бўйича 6212 киши истиқомад қилмоқда. Аҳоли сони жиҳатидан 5000 минг кишидан юқори бўлган ҳудудий бирликлар қаторига туманда Тошкент МФЙ ва Ифтихор ҚФЙлари ҳам киритилади. Уларда мос равишда 6010 киши ва 5147 киши истиқомад қилмоқда. Аҳоли сони жиҳатдан туманнинг Султонобод МФЙ энг аҳолига эга бўлиб, унда 1975 киши яшамоқда.

Тумандаги 11 та ҚФЙларида жами 43664 киши яшайди. Қолган 180852 киши МФЙлари хиссасига тўғри келади. Бундан кўриниб

турибдики туман аҳолисининг 19 фоизи ҚФЙларига, 81 фоизи МФЙларига тўғри келади (2-расм).

2-расм


Қува тумани ҚФЙ ва МФЙлар бўйича тақсимланиши



Туман аҳолисининг миллий таркибида 93,5 фоиз улуш ўзбек миллати вакилларига тўғри келади. Қолган 6,5 фоизни улушни асосан тожик, қирғиз, рус ва украинлар ташкил этади (3-расм).

2-расм

Қува тумани миллий таркиби (Ўзбек миллати вакиллари)



Қилинган тадқиқот давомида қисман бўлса ҳам натижага эриша олдик деб ҳисоблаймиз. Кейинги йилларда антропоген босимнинг ортиб бориш ва шу каби ҳолатларни тадқиқ этувчи кўплаб изланувчилар етишиб чиқмоқда. Бу эса ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида аҳоли зичлиги билан боғлиқ жараёнларнинг нақадар жиддий эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Ушбу битирув малакавий ишида Фарғона вилояти Қува тумани аҳолисининг жойлашуви тахлил қилинди. Бунда унинг фуқароларни ўзини ўзи бошқарув органлари доираси яъни ҚФЙ ва МФЙларида жойлашувига катта аҳамият берилди. Шунингдек, вилоятда аввалги тадқиқотларда ажратилган баландлик минтақалари бўйича антропоген босими миқдорини аниқлаш мақсадида вилоят ҚФЙлари билан биргаликда ҳисоб китоблар амалга оширилди. Бу эса маъмурий туманлар ва ҚФЙлар доирасида ерлардан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишни такомиллаштириш, аҳоли зичлигининг аниқлашнинг ноанъанавий усулларида фойдаланиш ва мавжуд муаммоларни алоҳида олинган минтақада тадқиқ этиш имконини берди. Бу эса ўз навбатида илмий натижаларни олиш, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва умумий хулосалар бериш имконини яратди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши бош мақсад қилиб қўйилмоқди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса кейинги йилларда қишлоқ тараққиётига хусусан коммунал хўжалик ҳамда уй-жой таъминоти масалаларига катта эътибор қаратилаётгани бунинг яққол мисолидир.

Кейинги йилларда хорижий мамлакатларда вақтинчалик меҳнат миграцияси Ўзбекистон аҳолисини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланиб қолмоқда. Мустақиллик ҳамда иқтисодий, ижтимоий соҳа ва Ўзбекистон ҳаёт фаолиятининг кўплаб бошқа соҳаларидаги реал эркинлаштириш шароитларида бунинг учун объектив шарт-шароитлар яратилмоқда.

Қува туманида мустақиллик йилларида қуйидаги ўзига хос демографик вазияти шаклланди. Хусусан:

- аҳоли мутлақ ўсишининг нисбатан пасайиши.
- қишлоқ туманлари бўйича туғилиш даражаси ва табиий ўсишнинг ҳудудий фарқи мавжуд;
- аҳоли ўсиши суръатларининг пасайди ва аҳоли сони мутлақ ўсиши сезиларли камайди;
- туман меҳнатга қобилиятли аҳолиси салоҳияти юқорилади.

Туманда ҳозирги замон демографик вазияти хусусиятлари ва унинг ривожланиши истикболлари республика аҳолисининг умумий иш билан бандлигида, унинг динамикасида, жинс-ёш таркибида бевосита акс этади.

Кейинги йилларда Фарғона вилоятида хусусан Қува туманида янги иш ўринлари барпо этиш юзасидан катта ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, аҳолининг иш билан умумий бандлиги пастлигича сақланиб қолмоқда. Бунга сабаб эса меҳнат ресурсларининг ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Аҳолининг иқтисодийнинг аграр секторида бандлиги ҳамон юқори бўлиб қолмоқда, sanoatда, транспортда ва ахборот соҳасида, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бандлик даражаси анча паст.

Бозор иқтисодиёти асосларининг шакллантирилиши Қува тумани аҳолиси иш билан бандлигининг янги шакллари ва турлари пайдо бўлиши билан бирга юз бермоқда.

Туманда иш билан бандликнинг кўпчилик янги шакллари ва турлари ўзида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан таъминлашини, яъни давлатнинг ёрдамсиз ўзини иш билан таъминлашни ифодалайди ва ишсизлик муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин тутди.

Аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашини янада ривожлантириш фаолиятнинг янада кенгайтиришга асосланган тегишли қонунчилик базасини шакллантирилиши (кичик бизнес, касаначилик)

маъмурий туманларимизда меҳнат ресурслари бандлигини оширишнинг энг муҳим тамойилларидан бўлиб ҳисобланади.

Аҳоли доимий ҳаракатдаги ижтимоий тушунча экан у билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам худди у каби давомийдир. Ишлаб чиқилган услубиёт бўйича тадқиқотлар келгуси ишларда давом эттирилади.

ИЛОВЛАР

Фарғона вилоятдаги жами қишлоқ хўжалик мақсадида фойдаланиладиган ерлар тўғрисида маълумот

№	Туман шаҳарлар номи	Фермерлар сони	Умумий экин майдони	Шундан									Боғлар	Узумзорлар	Тутзорлар	Худуднинг ўртача балл бонитети
				Бошоқли дон	Ҳақиқатда экилган бошоқли дон	Режага нисбатан фарқи	Пахта	Макка дон учун	Қартошқа	Сабзавот	Полиз	Озуқа ва бошқа экинлар жами				
1	Куvasой шаҳри	3065	7097	4380	4380,0	0,0		140	310	300	10	1957	5048	93	97	54
2	Фарғона шаҳри	348	1787	750	758,8	8,8		60	140	420	5	403	417	3	4	60
3	Бешариқ тумани	2409	20884	8100	8100	0,0	10900	120	70	140	70	1484	3105	27	449	58
4	Бағдод тумани	1479	17463	7750	7750,8	0,8	7830	100	60	90	80	1553	2414	181	555	50
5	Бувайда тумани	949	15965	6930	6980,8	50,8	7370	70	95	71	100	1279	401	477	75	49
6	Данғара тумани	1180	18194	8200	8200,0	0,0	8740	40	35	75	30	1074	607	39	218	59
7	Ёзёвон тумани	990	16754	6210	6210,0	0,0	7540	140	60	50	500	2254	621	48	127	49
8	Қува тумани	1848	16473	6050	6372,1	322,1	9555		26	39	21	460	3804	31	413	55
9	Олтиариқ тумани	1115	17374	7900	7913,7	13,7	8400	80	55	65	20	840	1428	14	138	52
10	Охунбобоев тумани	1278	20969	9550	9567,6	17,6	10082	80	40	65	35	1099	1062	56	67	54
11	Риштон тумани	1916	17248	7240	7242	2,0	9033	20	6	51	20	876	2562	3	111	48
12	Сўх тумани	236	1786	600	600,0	0,0		30	600	20		536	1298		65	66
13	Тошлоқ тумани	1084	12939	4860	4860	0,0	7400	40	30	65	10	534	955	36	124	55
14	Ўзбекистон тумани	2629	14153	5450	5507,0	57,0	6630	100	45	385	30	1456	5414	96	717	59
15	Учқўприк тумани	1194	15342	6905	6906,3	1,3	7230	64	35	110	32	966	1134	325	206	56
16	Фарғона тумани	2961	19109	8550	8561,0	11,0	7890	100	300	210	20	2028	5494	289	144	59
17	Фурқат тумани	937	14900	6075	6096,0	21,0	6700	130	40	70	30	1834	204	10	59	54
	Вилоят бўйича	25618	248437	105500	106006	506	115300	1314	1947	2225	1012	20633	35969	1728	3569	56

Фарғона вилояти 2015 - 2016 йилнинг демографик ҳолати (ҳар 1000 кишига нисбатан)

№	Шаҳар ва туманлар номи	Улим		Туғилиш		Табиий усиш		Келганлар сони		Кетганлар сони		Миграция сальдоси	
		2015 й	2016 й	2015 й	2016 й	2015 й	2016 й	2015 й	2016 й	2015 й	2016 й	2015 й	2016 й
	Вилоят бўйича жами:	5,0	4,9	22,8	22,2	17,8	17,3	3,5	3,4	3,9	4	-0,4	-0,6
1	Марғилон ш.	5,6	5,3	22,1	21,3	16,5	16	4,3	3,6	6	5,4	-1,7	-1,8
2	Фарғона ш.	6,2	5,9	17,5	17,8	11,3	11,9	9,4	10,6	9,8	9,7	-0,4	0,9
3	Қувасой ш.	4,7	4,7	21,2	20,3	16,5	15,6	5,4	3,3	3,7	3,3	1,7	0,0
4	Қўқон ш.	5,9	5,4	20,6	20,3	14,7	14,9	4,9	5,5	6,9	7,3	-2	-1,8
5	Боғдод т.	4,8	4,4	25,2	23,5	20,4	19,1	3,8	3,6	2,4	2,7	1,4	0,9
6	Бешариқ т.	4,7	4,8	24,7	23,2	20,0	18,4	0,6	1,8	2,3	2,5	-1,7	-0,7
7	Бувайда т.	4,1	4,2	24,6	24,1	20,5	19,9	2,5	2,3	2,7	2,9	-0,2	-0,6
8	Данғара т.	5,5	5,4	25,0	25,6	19,5	20,2	2,6	2,6	3,8	4,5	-1,2	-1,9
9	Ёзёвон т.	4,3	3,9	24,1	23,2	19,8	19,3	2,3	1,6	2,2	1,9	0,1	-0,3
10	Олтиариқ т.	4,8	4,9	21,3	19,7	16,5	14,8	0,6	0,7	2,3	1,9	-1,7	-1,2
11	Қўштепа т.	4,8	5,0	23,3	23,1	18,5	18,1	3,5	2,6	3,7	3,6	-0,2	-1,0
12	Риштон т.	4,6	4,7	23,1	21,7	18,5	17	2,5	2,8	2,3	2,7	0,2	0,1
13	Сўх т.	4,4	3,6	25,3	23,1	20,9	19,5	0,1	0	0,5	0,3	-0,4	-0,3
14	Тошлоқ т.	4,7	4,3	23,2	22,7	18,5	18,4	4,5	3,5	3,7	3,4	0,8	0,1
15	Учкўприк т.	5	4,7	24,8	24,5	19,8	19,8	3,2	3,4	3,3	3,6	-0,1	-0,2
16	Фарғона т.	4,6	4,6	22,0	22,2	17,4	17,6	0,6	0,5	3,7	3,3	-3,1	-2,8
17	Фурқат т.	5,6	5,4	24,3	23,5	18,7	18,1	5,9	5,5	3,7	5,4	2,2	0,1
18	Ўзбекистон т.	5,1	5,0	23,8	23,2	18,7	18,2	4,4	3,6	3,6	4,1	0,8	-0,5
19	Қува	4,7	4,5	22,1	22,1	17,4	17,6	2,7	2,6	2,3	2,3	0,4	0,3

Фарғона вилояти 2015-2016 йилнинг доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот

Шахарлар ва туманлар	Доимий аҳоли сони 01.01.2016 йил	шу жумладан		Доимий аҳоли сони 01.01.2017 йил	шу жумладан		Фарқи "+", "-"	Фоиз %
		шахарлар	кишлоклар		шахарлар	кишлоклар		
Вилоят б-ча жами:	3 505,3	1 994,4	1 510,9	3564,6	2022,5	1542,1	59,3	101,7
Марғилон ш.	222,1	222,1		225,3	225,3		3,2	101,4
Фарғона ш.	271,0	271,0		274,5	274,5		3,5	101,3
Қувасой ш.	87,5	49,3	38,2	88,8	49,9	38,9	1,3	101,5
Қўқон ш.	239,9	239,9		243,0	243,0		3,1	101,3
Боғдод т.	198,2	102,7	95,5	202,2	104,6	97,6	4,0	102,0
Бешариқ т.	212,0	74,6	137,4	215,8	75,8	140,0	3,8	101,8
Бувайда т.	210,6	106,2	104,4	214,7	106,9	107,8	4,1	101,9
Данғара т.	160,9	37,6	123,3	163,9	38,3	125,6	3,0	101,9
Ёзёвон т.	102,2	62,1	40,1	104,2	63,2	41,0	2,0	102,0
Олтиариқ т.	197,7	150,2	47,5	200,4	151,9	48,5	2,7	101,4
Қўштепа т.	175,9	70,6	105,3	178,9	71,4	107,5	3,0	101,7
Риштон т.	187,4	121,3	66,1	190,7	123,1	67,6	3,3	101,8
Сўх т.	72,0	46,2	25,8	73,4	46,9	26,5	1,4	101,9
Тошлоқ т.	186,6	44,3	142,3	190	44,7	145,3	3,4	101,8
Учқўприк т.	210,7	38,3	172,4	214,9	39	175,9	4,2	102,0
Фарғона т.	199,1	123,6	75,5	202,1	125,8	76,3	3,0	101,5
Фурқат т.	109,9	26,1	83,8	111,9	26,5	85,4	2,0	101,8
Ўзбекистон т.	221,5	96,8	124,7	225,5	98,3	127,2	4,0	101,8
Қува	240,1	111,5	128,6	244,4	113,4	131,0	4,3	101,8

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. КАРИМОВ И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Том 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. - 380 б.
2. КАРИМОВ И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. -326 б.
3. КАРИМОВ И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -318 б.
4. АКРАМОВ З.М. Фарғона водийси -Т.: УзР ФА.наширёти, 1957.-86 б.
5. АТА-МИРЗАЕВ О.Б., КАЮМОВ А. Народо населення Узбекистана: демографическая ситуация, политика, экология. Журнал «Экономика и статистика», № 5, 1996. С.48-52.
6. АХМАДАЛИЕВ Ю.И. Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш ҳақида. // ФДУ. «Илмий хабарлар».- Фарғона, 1998. -№1. -Б. 141-143.
7. АХМАДАЛИЕВ Ю. И.Ер ресурсларининг экологик – хўжалик ҳолатини баҳолаш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2000.- №1.-Б. 53-55.
8. АХМАДАЛИЕВ Ю.И Фарғона водийси ерларининг тупроқ-экологик ҳолатини баҳолаш. // Ўзбектстон география жамияти ахбороти.- Тошкент, 2005. - 26-жилд. –Б. 16-20.
9. АХМАДАЛИЕВ Ю.И. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида) География фанлари докторлиги улиш учун ёзилган диссертация.Тошкент.: ЎзМУ 2007-329 бет.
10. БЎРИЕВА М.Р. Ўзбекистонда туғилиш ва унга таъсир этувчи омиллар // Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари.-Т., 1992. Б. 26-37

11. БЎРИЕВА М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси.-Т.: Университет, 1997.-181 б.
12. МАҚСУДОВ А. Ўзбекистон тупроқлари.- Фарғона: ФДУ, 1996. -75 б.
13. НИГМАТОВ А.Н. Геоэкологические аспекты заовраженности и техногенной нарушенности земель Узбекистана. -Т.: Изд.НУУз, 2005. - 240 с.
14. СОЛИЕВ А. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. (мактаб ўқувчилари ва талабалар учун тавсиялар)- Т.: РТИИМ. 1995. -52 б.
15. СОЛИЕВ А., КОМИЛОВА Н. Тиббиёт географияси.-Т.: Истиқлол, 2005.-160 б.
16. СОЛИЕВ А., БЎРИЕВА М., НАЗАРОВ М., Мухамедов О. ва б. Қишлоқ жойлар демографияси.-Т.: ЎзМУ, 2005.-139 б.
17. СОЛИЕВ А., НАЗАРОВ М., ҚУРБОНОВ Ш. Ўзбекистон ҳудудлари иқтимоий-иқтисодий ривожланиши. Тошкент – 2010. 348 б.
18. МУХАМЕДОВ О.Л. Аҳоли табиий ҳаракатининг географик жиҳатлари.-Ўзбекистон география жамияти Ахбороти, 26-жилд-Т., 2005. 92-94 б.
19. МЎМИНОВ Д. Қишлоқ жойларнинг геоэкологик - хўжалик ҳолати ва уни оптималлаштириш йўллари (Фарғона вилояти мисолида). География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент.: УзГидроМет 2012-161 бет.
20. Интернет маълумотлари: WWW.IZDATGEO.RU;
WWW.GOOGLE.UZ; WWW.NATIONAL.GEOGRAPHICAL.COM